



MILLIY TIKLANISH

28 (349)

2015 йил 15 июль, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz

Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгашига мурожаат қилган 40 га яқин маҳаллий ишлаб чиқарувчи имтиёзли кредит олиш имконига эга бўлди

Жиззахда 2010 йилда ЎзМТДП аъзолари сони 6 818 ни ташкил этган бўлса, ҳозир 12 750 нафарга етди

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида сирдарёлик депутатларимиз 87 депутатлик сўровини амалга оширди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Эзгулик, шукроналик, меҳр-оқибат айёми бўлмиш муборак Рамазон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуглаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон фармонида мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2015 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 18 июль шанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини эътиборга олиб, 2015 йил 18 июль дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитини жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтказиш учун тегишли тadbирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тadbирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 14 июль

Партия ва электорат

Эл-юрт тараққиёти — ёшлар қўлида

"Ёшлар қаноти" лойиҳалари партия сайловолди Платформасини амалга оширишда муҳим воситадир

"Миллий тикланиш" газетасининг ўтган сонидида ЎзМТДП фаоли, Жиззах политехника институти ўқитувчиси Темур Ўбайдуллаевнинг "Электорат минбари" руқни остидаги мақоласида ҳудудий кенгашлар, жумладан, ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" фаолияти ҳақида ўринли фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Дарҳақиқат, эл-юрт тараққиёти маънавий етук, замонавий билимларни пухта эгаллаган, иродаси бақувват, иймони бутун, юксак салоҳиятли ёшлар қўлида. Ўзбекистон аҳолисининг 64 фоизидан ортигини ёшлар ташкил этади. Шу боис истиқлолнинг илк кунлариданоқ юрти-мизда навқирон авлод вақилларига алоҳида эътибор қаратилиб, ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Уларга юксак ишонч билдирилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастури ва сайловолди Платформасида назарда тутилган асосий мақсад ва вазифаларидан бири ҳам баркамол авлоднинг тарбиялашга муносиб ҳисса қўлиши. Ёшлар масаласи партия фаолиятида муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда партия "Ёшлар

қаноти" амалга ошираётган турли сиёсий-маданий тadbирлар, акция ва лойиҳалар, конференция ва форумлар, ўқув-семинарлардан кутилган асосий мақсад ҳам ёшлар орасига чуқурроқ кириб бориш, уларни бирлаштириш, қўллаб-қувватлаш, келажак эгаларида сиёсий етакчилик ва ташаббускорлик маҳоратини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий билимини бойитиш, дунёқарашини кенгайтиришдан иборат. Бунинг воситасида уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, сиёсий-ҳуқуқий жараёнлардаги иштирокини таъминлаш, интеллектуал салоҳиятини тўлиқ намоеён этиш имкони пайдо бўлади. Ёшларнинг оила ва жамиятда муносиб ўрин топиши, сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада ошириш, жамиятда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларда

фаол иштирок этишларига бағишланган тadbирлар нафақат мақола муаллифи ва "Ёшлар қаноти" фаоллари, балки партия сафига ҳали қўшилмаган ёшлар томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. Буни лойиҳаларимизга қизиқиш билдираётган ёшлар кўпайиб, партия аъзолари орасида навқирон авлод салмогининг ортиб бораётганидан ҳам билиш мумкин.

Буларнинг барчаси партиянинг "Ёшлар қаноти" учун ҳам ишонч, ҳам масъулиятдир. Берилган имконият ва билдирилаётган ишончга муносиб бўлиш учун келгусида ҳам ҳудудий партия ташкилотларида ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий билим кўникмаларини янада оширишга қаратилган ўқув-семинарларни кўпайтириш, депутатлик бирлашмалари билан ҳамкорликни кучайтириш, энг асосийси, партия сафига етук билим ва салоҳиятга эга ёшларни янада кўпроқ жалб этиш талаб этилади.

Ҳамдам НИЁЗОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши
Ижроия кўмитаси девони
бош мутахассиси

Демократик кучлар блоки



Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги

барқарор таъминланади. Унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам иштирок этиши эътиборга молик

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, атроф-муҳит мусаллаҳлигини сақлаш, санитария-эпидемиология масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жамиятда санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш масалаларининг ҳуқуқий асослари яратилган.



Ўзбекистон Республикасининг "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги қонунини билан бу борадаги муносабатлар тартибга солинмоқда. Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишда муҳокама этилаётган "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бу борадаги ислохотларнинг мантиқий давомидир.

> 2-бет.

Депутат сўров киритди

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутат одамда, шу ҳудудда истиқомат қилайдиган аҳоли кайфияти, турмуш тарзи, қувонч ва ташвишларидан хабардор вақил ҳисобланади. Ана шу жиҳатдан ҳам маҳаллий кенгаш депутатларига халққа яқин, ҳамнафас шахс сифатида қаралади, катта ишонч билдирилади. Ҳудудий масалаларни ҳал этишда уларнинг имконият ва ваколатларига таянилади. Кўп сонли сайловчиларнинг ишончи эвазига маҳаллий вақиллик органига сайланган шахс беш йил давомидаги изчил фаолияти, амалий саъй-ҳаракатлари билан эътибор қозонади, яхши маънода эл оғзига тушади. Бу эса одамларда депутатга, у мансуб партияга бўлган ишончини янада ошириб, мустаҳкамлайди.

Эски Ховосни туризм маршрутига киритиш

ҳамда очик осмон остидаги музейга айлантириш масаласи халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат томонидан илгари сурилди

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган 66 депутат ҳам ана шу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда изчил фаолият олиб боришга интиломоқда.

> 4-бет.

Ушбу сонда:

Баркамол авлод манзили

жисмонан соғлом,
маънавий етук
фарзандлар —
эл-юрт таянчи



> 6-бет.


Демократик ислохотлар изчиллиги

депутатлардан
фидойилик ва
ташаббускорликни
талаб этади

> 4-бет.

Глобал исиш

иқлим ва экологик
барқарорликка раҳна
солмоқда



> 7-бет.

Регистонда янграр яна Шарқ наволари




> 8-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



www.milliytiklanish.uz
сайтида ҳам ўқинг!

Онлайн мулоқот

Электорат манфаати — устувор вазифа

уни қай даражада ҳимоя қила олаяпмиз?

Мамлакатимизда сиёсий партияларга эътибор ортиб боргани сари талаб ҳам шунга монанд ошмоқда. Бугун давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора кучайиб бормоқда. Партияларнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини амалга ошириши учун яратилган мустақкам ҳуқуқий база улар фаолиятида дастуриламал бўлаётир. Тажриба орттириш, сиёсий етуклик, жамиятда ўз ўрнини топиш, барқарор электоратни шакллантиришда ЎзМТДП ҳам муайян бир йўлни босиб ўтди.

Сиёсий партиялар фаолияти ҳақида гап бора экан, электорат манфаатини ҳимоя қилиш билрамчи, устувор вазифа сифатида намоён бўлади. Миллий ўзликини англаш, ватандошларимизда миллий гуруҳ ва кадр-қиммат туйғуларини мустақкамлашга муносиб ҳисса қўшувчи зиёлилар, миллий-маънавий қадриятларни, юртимизнинг тарихий ва маданий бойлигини асраб-авайлаш, уларни ёш авлодга безавол етказишни қалб амри деб билган олиму ижодкорлардан тортиб, хунарманд, юрагида Ватан туйғуси жўш ураётган ёшлар, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини бутун дунёга намоён этиб, миллий бренд нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг қарашлари ЎзМТДП мақсадоғояси билан ҳамоҳанг ва уйғунлиги партияимиз таянадиган электоратнинг интеллектуал салоҳияти ва имконияти қай даражада эканини кўрсатади.

Хўш, партия ўз электорат манфаатларини қай даражада ҳимоя қила оляпти? Электорат манфаати аслида нималар ва қандай воситалар асосида ҳимоя қилинмоғи лозим? Бу борада партия ташкилотлари, партия фракцияси ҳамда гуруҳлари қандай ўрин тутати ва қандай мезонларга таянмоқда? Шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида ЎзМТДП фаолларини онлайн мулоқотга чорладиқ.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги

барқарор таъминланади. Унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам иштирок этиши эътиборга молик

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Куйи палатадаги барча фракция ва депутатлик гуруҳи йиғилишларида атрофлича муҳокама қилинган мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияларидан иборат Демократик кучлар блокнинг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқилди.

Ўқишга тайёрланган таҳририда қай даражада акс эттирилганлигига алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, қонун лойиҳасининг муҳокама жараёнида Демократик блокнинг тақлифлари эътиборга олинди, қатор янги меъёрлар киритилди, айрим меъёрлар таҳрир қилинди ёки олиб ташланди. Жумладан, давлат томонидан санитария-эпидемиологик нормалаштириш ҳақидаги меъёр киритилди, санитария қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида етказилган зарарнинг юридик ва жисмоний шахслар томонидан қопланишини тартибга солишга қаратилган қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва бошқа қонунлар меъёрларига мослаштирилди, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш соҳасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг иштирокига бағишланган нормалар янада аниқлаштирилди.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги муносабатлар фақат давлат санитария назоратини амалга ошириш билан чекланиб қолмай, балки атроф-муҳитни соғломлаштириш, инсоннинг овқатланиш, меҳнат қилиш, дам ва таълим-тарбия олиш шарт-шароитларини яхшилашга қаратилган санитария-гигиена ишлари, эпидемияга қарши тадбирлар мажмуини ташкил этиш, аҳолининг санитария маданияти даражасини юксалтириш ҳамда халқаро ҳамкорликни амалга оширишни ҳам назарда тутати. Шунингдек, қонун лойиҳасида фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари, жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳам фаол иштирокини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари белгиланмоқда.

— Қонун лойиҳасини аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳасига киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар унинг янада халқчиллигини таъминлаш ҳамда дастурий вазифаларимизни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳоли турмуш сифати, кўлайликларини ошириш, ҳар томонлама соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини таъминлаш, оилаларни ижтимоий муҳофазаси қилиш, соғлом оилалар сонини янада кўпайтириш каби бир қатор вазифаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутати.

Демократик кучлар блокининг бу борадаги позициясини ишлаб чиқиш учун мазкур қонун лойиҳаси ҳар иккала фракциянинг экспертлари иштирокида бир неча бор муҳокама-лардан ўтказилди, тақлиф-таъсиллар билдирилди. Йиғилишда Демократик кучлар блоки тақдим этган тақлифлар қонун лойиҳасининг иккинчи

Йиғилишда депутатларнинг қонун лойиҳаси нормаларини такомиллаштиришга қаратилган янги тақлифлари муҳокама қилинди. Яқунда мазкур қонун лойиҳаси юзасидан Демократик кучлар блокининг позицияси келишиб олинди.

Зумрад БЕКАТОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:
— "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасида корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, кимёвий ва биологик моддаларни зарарсизлантиришга, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда уларни ишлаб чиқаришга, ташишга, меҳнат шароитлари, касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига доир санитария-эпидемиологик талаблар аниқлаштирилган. Унинг қабул қилиниши республикада аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишининг комплекс тизими мустақкамлаштиришга кўмаклашди, ижро этувчи органлар ва назорат қилувчи хизматларнинг амалий ҳаракатиға имкон беради. Қолаверса, ЎзМТДП мақсадларидан ҳисобланган халқимизга хос соғлом турмуш тарзи анъаналари ва саломатлик маданиятини тарғиб қилишга қаратилган миллий давлат дастурлари рўёбга чиқарилишига кўмаклашишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ийғилишда мазкур қонун лойиҳасида Демократик кучлар блокнинг бир қанча тақлиф ва мулоҳазалари инобатга олингани алоҳида таъкидланди. Хусусан, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ҳам иштирок этаётганлиги эътиборга молик.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири



Елдор ТУЛЯКОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида бўлиб ўтган икки муҳим жараён — парламент ва маҳаллий вакиллик органлари ҳамда Президент сайлови мамлакатимизда фаолият юритувчи сиёсий партиялар фаолиятини жиддий си-

новдан ўтказди, аҳолининг, электоратнинг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга хизмат қилди. Сайлов жараёнида ҳар бир фуқаро сиёсий партия фаолияти билан яқиндан танишиб, унга муносабат билдирар экан, энг аввало, сиёсий партиянинг қайси ижтимоий қатлам манфаатларини ифода этиши, электорат манфаатини ҳимоя қилишда қандай аниқ ва амалий ишлар бажарганига эътибор қаратиб, шунга монанд тарзда хайрихолик билдиради. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси электорат манфаатларини ҳимоя қилишни ўз фаолиятининг бош мезони сифатида белгилани унинг сайловдаги эришган натижасида асосий омил бўлгани шубҳасиз. Муҳокама учун ўртага ташланган мав-

зу бугунги фаолиятимиз учун долзарб. Боиси бугунги замон сиёсий партиялар ва уларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари олдига муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда. Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида бу ҳақда алоҳида тўхталиб, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, парламент ва сиёсий партиялар фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш борасида зиммамизга масъулиятли вазифалар юклатди. Фракцияимизнинг ҳар бир аъзоси давлатимиз раҳбарининг парламент фаолияти бўйича билдирган танқидий-таҳлилий мулоҳазалари моҳиятини чуқур англаган ҳолда фаолият юритишга ҳаракат қилаётир. Маърузада эътироф этилган дав-

лат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини таъминлаш юзасидан аниқ мақсадли вазифаларни белгилаб олдиқ. Парламентда муҳокама этилаётган ҳар бир қонун лойиҳасига партияимиз сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёндашишга, ЎзМТДП позициясини қатъий ҳимоя қилишга интилоқдамиз. Сайловчилар билан учрашувлар довомида уларнинг фикр-уйларини билан ўртоқлашяпмиз, уларни қизиқтираётган масалалар, ўйлантираётган муаммолар ечимини топишга ҳаракат қилаяпмиз.

— Партиядошимизнинг юқоридаги фикрларига қўшилган ҳолда шунча айтмоқчиманки, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда, энг аввало, ЎзМТДП мафкураси, дастурий мақсад-вазифаларини аҳоли орасида кенг тарғиб-ташвиқ қилиш масаласига эътибор қаратишимиз лозим. Электорат билан ишлашда ташкил этилаётган тадбирлар сифати, таъсирчанлиги, мавзу кўлами ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тарғиботнинг самарасиз, ўзини оқламаётган усулларидан батамом воз кечиш пайти келди. Замонавий, интерфаол усуллардан фойдаланилган, қуруқ маърузалардан холи тарзда ташкил этилган тадбирлар электоратни партияга янада яқинлаштиради. Учрашув ва давра суҳбатларида ҳар бир электорат вакилига ўз мулоҳазасини, тақлиф ва тавсияла-

рини билдириш имкониятини яратиш жуда муҳим. Шунингдек, тадбир ўтказилган жой, аудиторияга ўша мавзу юзасидан қайта мурожаат қилиш, уларнинг тақлиф ва фикрларини таҳлил қилиб, керакли хулосалар чиқариш ҳам фаолиятимиз самарасини белгилувчи муҳим омил эканини унутмаслигимиз лозим.

Холбуки бу борада партия ташкилотларида етарли тажриба тўпланган. Ҳар бир тарғибот тадбиридан олдин электоратимиз вакиллари саналган хунармандлар, рассомлар кўргазмаларини ташкил этиш яхши анъанага айланди. Бу тадбирлар таъсирчанлигини ошириш баробарида электорат вакилларининг истеъдодини намоийиш қилиш, уларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётир.

Электорат манфаатлари таъминлашида ҳудудий партия ташкилотлари билан бир қаторда куйи бўғинлар ҳам муайян саъй-ҳаракат олиб бораётганини қувонарли, албатта. Чунки қуйидан чиққан ташаббус ўз аҳамияти ва мазмун-моҳиятига кўра аҳолига бевосита дахлдор бўлади. Бу ташаббуслар электоратнинг айна дамада ҳис этаётган фикр-уйларини намоён қилади. Халқдан чиққан гоани амалга ошириш гоят самаралидир. Шу ўринда далилларга мурожаат қиласак: Бухоро, Наманган вилоятларида фаолият юритаётган куйи бўғинларимизнинг ҳудудда музей ташкил этиш борасидаги ташаббуси халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сессиясида муҳокама қилиниб, қарор қабул қилинишига асос бўлди. Сирдарёлик фаолларимиз ташаббуси билан Гулис-

— Партиядошимизнинг юқоридаги фикрларига қўшилган ҳолда шунча айтмоқчиманки, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда, энг аввало, ЎзМТДП мафкураси, дастурий мақсад-вазифаларини аҳоли орасида кенг тарғиб-ташвиқ қилиш масаласига эътибор қаратишимиз лозим. Электорат билан ишлашда ташкил этилаётган тадбирлар сифати, таъсирчанлиги, мавзу кўлами ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тарғиботнинг самарасиз, ўзини оқламаётган усулларидан батамом воз кечиш пайти келди. Замонавий, интерфаол усуллардан фойдаланилган, қуруқ маърузалардан холи тарзда ташкил этилган тадбирлар электоратни партияга янада яқинлаштиради. Учрашув ва давра суҳбатларида ҳар бир электорат вакилига ўз мулоҳазасини, тақлиф ва тавсияла-

рини билдириш имкониятини яратиш жуда муҳим. Шунингдек, тадбир ўтказилган жой, аудиторияга ўша мавзу юзасидан қайта мурожаат қилиш, уларнинг тақлиф ва фикрларини таҳлил қилиб, керакли хулосалар чиқариш ҳам фаолиятимиз самарасини белгилувчи муҳим омил эканини унутмаслигимиз лозим.

Холбуки бу борада партия ташкилотларида етарли тажриба тўпланган. Ҳар бир тарғибот тадбиридан олдин электоратимиз вакиллари саналган хунармандлар, рассомлар кўргазмаларини ташкил этиш яхши анъанага айланди. Бу тадбирлар таъсирчанлигини ошириш баробарида электорат вакилларининг истеъдодини намоийиш қилиш, уларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётир.

Электорат манфаатлари таъминлашида ҳудудий партия ташкилотлари билан бир қаторда куйи бўғинлар ҳам муайян саъй-ҳаракат олиб бораётганини қувонарли, албатта. Чунки қуйидан чиққан ташаббус ўз аҳамияти ва мазмун-моҳиятига кўра аҳолига бевосита дахлдор бўлади. Бу ташаббуслар электоратнинг айна дамада ҳис этаётган фикр-уйларини намоён қилади. Халқдан чиққан гоани амалга ошириш гоят самаралидир. Шу ўринда далилларга мурожаат қиласак: Бухоро, Наманган вилоятларида фаолият юритаётган куйи бўғинларимизнинг ҳудудда музей ташкил этиш борасидаги ташаббуси халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сессиясида муҳокама қилиниб, қарор қабул қилинишига асос бўлди. Сирдарёлик фаолларимиз ташаббуси билан Гулис-



Камола АБДУАЛИЕВА,
ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони бош мутахассиси:

— Партияимизнинг сайловолди Платформасида иқтисодий соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, миллий иқтисодийни ривожлантириш, миллий бренд нуфузини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва туризмни ривожлантириш вазифаси белгиланган. ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши партия электорати ҳисобланган хунармандлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчи-


ларни қўллаб-қувватлаш мақсадида хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини жонлантириш ва ривожлантириш учун муносиб шароит яратиш, имтиёзлар беришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Партияимиз аъзолари орасида тадбиркорлик соҳасида муваффақият қозонаётган ёшлар ва хотин-қизлар кўп. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар дунё бозорига ҳам ўз ўрнига эга бўлиб бораётир. Жумладан, ёш тадбиркор Шоирахон Исроилова 2010 йилда партия кўмаги билан банкдан имтиёзли кредит олишга эришган маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан. Бугунги кунда корхонада 300 га яқин янги иш ўрни яратилди. Ишлаб чиқараётган маҳсулотлар чет давлатларга экспорт қилинмоқда.

Жорий йилнинг 16-17 июнь кунлари вилоятимизнинг Асака ва Олтинкўл туманларида бўлиб ўтган амалий семинар ҳам электоратимиз вакиллари манфаатлари таъминланаётганига яққол далил бўла олади. Маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, соҳага қизиқишни баланд ёшларни қўллаб-қувватлаш, ёш тадбиркорларнинг бу борадаги ҳуқуқий билим ва кўникмаларини ошириш, таълим муассасаларини битирган ёшларни иш билан таъминлаш, аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган семинарда "Микрокредитбанк" асосий ҳамкоримиз бўлди. Партияимизга мурожаат қилган 40 га яқин хунармандлар ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга 200 миллион сўмдан ортиқ кредит олиш имконини берувчи сертификатлар топширилди. Кредит маблағига эга бўлганлар орасида касб-хунар коллежларини тамомлаб, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга аҳд қилган — Асака тибийет касб-хунар коллежи битирувчиси З.Набиева, Асака педагогика касб-хунар коллежи битирувчиси Б.Гуломов ва каби партияимиз фаол ёшларининг борлиги қувонарлидир.



Дилбар РАШИДОВА,
ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони мафкуравий ва маънавий-маърифий масалалар бўлими бошлиғи:

Партия вилоят кенгаши қошида ташкил этилган "Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Кенгаши" ўтказиётган тадбирлар, амалий семинарлар электорат вакиллари учун айна мудоао бўлмоқда. Партияимиз электорати ва сайловчиларини қизиқтираётган масалаларни аниқлаш, партия гуруҳларига ҳудудлар учун долзарб масалаларни ўрганишда кўмаклашиш, партияимиз гояларини самарали тарғиб қилиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 2015 йилда янги йирик лойиҳани амалга оширдик. Яъни, партия вилоят кенгаши қошида "Миллий тикланиш гоясининг етакчи тарғиботчилари" гуруҳини ташкил қилдик. Гуруҳда таникли шоирлар, профессорлар, Давлат мукофоти совриндорлари, малакали маҳаллий ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар, хунармандларнинг борлиги электоратни қизиқтираётган масалаларни ўрганишда муҳим омил бўлмоқда.



Ибодулло БОЛТАЕВ,
халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари:

— Бу борада яна бир муҳим жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Партияимизнинг электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўз олдига қўйган вазифаларини ҳал этишда депутатлик корпусининг фаолияти муҳим ўрин тутати. Аслида электоратимиз манфаатлари, партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар инобатга олиниб, кўтарилган масалалар, депутатларимизнинг ўзлари сайланган ҳудудлардаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари, амалга оширган ишлари сайловчилар ишончини оқлашининг бош омилдир. Партия гуруҳимиз айна пайтда халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига "Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 мартдаги "Хоразм вилоятида 2013-2015 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижаси тўғрисида"ги ташаббус-масалани кiritишга тайёр-гарлик кўрмоқда. Бундан, энг аввало, электоратимиз вакиллари бўлган миллий хунармандлар манфаатдор бўли-

ши шубҳасиз. Чунки хорижий сайёҳлар сони ортиши билан миллий хунармандчилик маҳсулотларига эҳтиёж ва талаб ҳам ортади. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси иш режасига "Вилоятда хорижий маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар фаолиятини ўрганиш, уларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини белгилаш тўғрисида"ги масаланинг киритилиши ҳам партия сайловолди Платформасидаги вазифаларнинг вилоятимизда бажарилишига муҳим ҳисса бўлади, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаати ва ёшлар бандлиги таъминланади.

Электорат манфаатларини ўрганиш ва ҳимоя қилишда сайловчилар билан бўладиган учрашувлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Уларда ҳар бир депутат сайловчилар фикр-мулоҳазалари билан қизиқиш, электоратни ўйлантираётган масалалардан хабардор бўлади. Халқ депутатлари Хоразм вилоят

Кенгаши депутати Зафар Каримовга сайловчилар билан учрашувлар чоғида Хонқа тумани Қирқ-ёп қишлоғи Дўрмон маҳалласи фуқаролари маҳалладаги 311 хонадонни тоза ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан мурожаат қилган. Депутат мурожаатини обдон ўрганганидан сўнг Туямўйин-Урганч минтақавий сув қувурларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи М.Қаландаровга сўров киритди. Депутатлик сўрови ижобий ҳал қилиниб, маҳаллани тоза ичимлик суви билан таъминлаш 2016 йилнинг манзилли дастурига киритилди. Кўшқўпри туманидаги Оқдарбанд қишлоғи аҳолисининг партия гуруҳимиз аъзоси Сайёра Худойберганавага қишлоққа жамоат транспорти қатновини яхшилаш масаласидаги мурожаати ҳам ижобий ҳал этилди.

Шу ўринда электорат манфаатларини ўрганиш ва таъминлашда партия ташкилотлари, айниқса, куйи бўғинлар кўмағига таянаётганимизни алоҳида таъкидлашни истардим. Шу боис, партия гуруҳимиз бошланғич партия ташкилотлари йиғилишида кўтариб чиқилаётган ҳудудларни ижтимоий-иқти-

содий ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратишга интиляпти. Сайловчилар бизни, биринчи навбатда, партия гояларини ҳаётга татбиқ қилиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишимиз учун сайлаган. Шу ишончини оқлаш йўлида партия гуруҳимизнинг ҳар бир аъзоси ўз имконият ва ваколатидан унумли фойдаланиши, сайловчилар, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш асосий вазифамизга айланмоғи лозим.

Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири



Жиззах вилояти: Фаол саъй-ҳаракат ва изчил изланиш

партия дастурий мақсад-вазифалари ижроси ва электорат манфаатларини таъминлашнинг муҳим омили

Асосий фаолиятимиз —

дастурий вазифалар ижросига қаратилади



Файрат ҚОДИРОВ,
ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши раиси:

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда давлат бошқарувини янада демократлаштириш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини ошириш борасида туб ислохотлар амалга оширилди. Бунинг натижасида партияларнинг етуқлик даражаси ва фаолияти самардорлиги, фуқароларнинг дунёқараши ҳамда фаол фуқаролик позицияси кучайиб, сиёсий-ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётди. Сиёсий партиялар аҳоли орасига ўз ғоя, мақсад-вазифалари билан чуқурроқ кириб боришга, ўз электоратини шакллантириш, улар манфаатини ҳимоя қилиш ва таъминлашга қаратилган аниқ механизмларни ишлаб чиқишга интилоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, жумладан, унинг Жиззах вилоят кенгаши мазкур жараённинг фаол иштирокчиси эканлиги янада аҳамиятлидир. Партиямиз ғояларининг халқимиз миллий қадриятлари, хоҳиш-истакларига уйғунлиги хайрихоҳлар ишончини қозониш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланаётди.

Бугун ҳар бир юрtdошимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг қузатувчиси эмас, балки фаол иштирокчисига айланди. Булар орасида ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгашининг аъзолари, қўлаб хайрихоҳлари ҳам борлиги бизни беҳад қувонтиради. Энг муҳими, улар миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, барқарор миллий ривожланишни таъминлаш, мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, гуманитар ҳаётининг бар-

ча соҳасида миллий манфаатларни ҳимоялаш ва илгари сулриш, бой тарихий меросимиз, халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш каби дастурий вазифаларимиз ижросига ҳамиша қамарбаста.

Асосий фаолиятимиз кўп минг сонли электоратимиз манфаатини таъминлаш, хайрихоҳларнинг қўлаб-қувватлашига эришиш, кенг жамоатчилик ишончини қозонишга қаратилган. Бунда фаолиятимизни сиёсий ҳаётдан янги босқичга кўтариш, кадрлар салоҳиятини ошириш, барча даражадаги фаол иштирокчиларни ва депутатларнинг ташаббускорлиги ҳамда фаолигини кучайтириш, электорат манфаатлари билан ҳамроҳан таъсирчан тадбирлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратаймиз. Партия вилоят кенгаши ҳамда партия гуруҳлари ишини жонлантириш, масъулиятини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб бораётган ишларида ташаббускорликни кучайтиришга қаратилган туркум ўқув-семинар ва

тадбирлар ташкил этилмоқда. Депутатларнинг сўровлар жўнариш, мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, доимий комиссияларда иш олиб боришдаги фаолияти тақомиллаштирилади.

Тахлилларга эътибор қаратилган бўлса, Жиззах вилоятида 2010 йилда ЎзМТДП аъзолари сони 6 минг 818 ни ташкил этган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 12 минг 750 нафарга етди. Бошланғич партия ташкилотлари сони ҳам шу давр ичида сезиларли даражада ошди: 256 тадан иборат. ЎзМТДП ғоялари тарғиботи самарадорлигини оширишда партия фаоллари, қўйи бугунлар билан бир қаторда жамиятнинг фаол қатлами бўлган аёллар ва ёшлар кўмағига таянамиз. Партия вилоят кенгаши бундан кейин ҳам сайловолди Платформамизда белгиланган партиянинг аҳоли орасидаги нуфузини янада мустаҳкамлаш, электорат манфаатларини таъминлашга қаратилган аниқ саъй-ҳаракатларни изчил амалга оширишга ҳаракат қилади.

Партия лойиҳалари

фаол хотин-қизларни кашф этмоқда

Барно БОЛТАЕВА,
ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши раиси ўринбосари:



— ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгашининг хотин-қизлар ўртасида олиб бораётган турли лойиҳа ва дастурлари сафимизнинг фидойи, интилувчан, ташаббускор аъзолар билан кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Жумладан, аънавий тарзда ўтказилиб келинаётган "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" республика кўрик-танловининг туман, вилоят босқичлари, "Аёлни улуғлаш — оилани, Ватанни, ҳаётни улуғлаш демократ", "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" ғоясини амалга оширишда хотин-қизларнинг роли" каби тадбирлар ва давра суҳбатлари воситасида партиядош хотин-қизларнинг ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга нисбатан масъуллиги орди. "Худуддаги хунарманд ва тадбиркор хотин-қизларни қўлаб-

қувватлаш ва улар фаолиятини оммалаштириш" лойиҳаси доирасида тадбиркор, хунарманд хотин-қизлар иштирокида вилоятнинг чекка ҳудудларида давра суҳбатлари ташкил этдик. Бундай тадбирларда соҳа мутахассислари қишлоқ аёлларига миллий хунармандчилик билан шуғулланиш, касаначиликни ривожлантириш орқали бандликни таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш борасида тушунча ва қўнқималар беришди. Бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларимиз ўз самарасини кўрсатаётди. Аҳоли, хусусан, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, одамлар турмуш тарзи, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолиси ҳаётининг обод ва фаровонлигини ошириш борасида партия гуруҳлари илгари сураётган таклиф ва ташаббуслар ўз самарасини бермоқда. Шу билан бирга фуқароларнинг партия ташкилотлари, депутатларга мурожаатлари тобора ортиб бораётган бизни қувонтиради.


Айни пайтда жойларда "Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур" шiori остида "Миллий тикланиш" соврини учун ўсмир қизлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилмоқда. ЎзМТДП вилоят, Жиз-

зах шаҳар ва туман кенгашлари "Пахтакор" оромгоҳида ўтказган мусобақада 300 га яқин иштирокчи волейбол, баскетбол, шахмат ва шашка бўйича беллашди. Ўқувчи ёшларнинг ёзги таътилини самарали ўтказиш, жисмоний ва ақлий салоҳиятини юксалтириш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт турларини ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган мазкур тадбирлар ҳам ўз мазмун-моҳияти билан хайрихоҳларимиз сафини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Хотин-қизлар миллий урф-одат, аънава ва қадриятларимизни чуқур ўрганиб, маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигини ўз фаолиятида тўла мужассам эта олаётган жамиятда ўсиш, юксалиш бўлади. Аёлларнинг маънавий камолоти, сиёсий-ҳуқуқий билимлари, фаолиятини ошириш, изланиш ва интилишларини қўлаб-қувватлаш жамият тараққиётида муҳим ўрин тутди. Шундай экан, хотин-қизларнинг маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш, улар орасида сиёсий етакчиларни шакллантириш, аёлларнинг мамлакатимизда кенгайтирилган ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокчи ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш "Аёллар қаноти"нинг устувор вазифаси саналади.

Сиёсий ўқувлар

кадрлар салоҳиятини кучайтириш омили



Абдулазиз КЕНЖАЕВ,
ЎзМТДП Зомин туман кенгаши етакчи мутахассиси:

— Мустақиллик йилларида барча соҳада амалга оширилган изчил ислохотлар ва уларнинг натижаси истиқлол тенгдоши сифатида қалбимизда чуқур фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Ҳар биримизни мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маърифий ҳаётида амалга оширилаётган ислохотларга муносиб ҳисса қўшишга ундайди. Мус-

тақилликни мустаҳкамлаш, уни асраб-авайлаш, юрт равнақи ва фаровонлиги учун хизмат қилиш партияимизнинг ҳар бир аъзоси кўнглидаги эзгу истақдир. ЎзМТДП Марказий кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган сиёсий ўқувлар партиянинг барча даражадаги ташкилотларида фаолият юритаётган ходимларни шу эзгу мақсадга ундамоқда, сиёсий-ҳуқуқий фаолиги ва билимларини оширишга ҳам мазкур сиёсий ўқувлар ҳар ойда ташкил этиб келинаётгани биз каби ёш мутахассислар учун айни муддао бўлди.


Сиёсий ўқувлар орқали худудий партия ташкилотлари ходимларининг мамлакатимиз ва дунёда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, юз бе-

раётган ўзгариш ва янгилишлардан хабардорлиги ортиб бормоқда. Ўқувларда қабул қилинаётган қонунлар, уларга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар, уларнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришдаги ўрни ва аҳамияти борасида батафсил маълумотларга эга бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билим ва малакамизни ошириш, мустақил фикр ва дунёқарашимизни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Аҳоли билан турли тадбирлар, лойиҳалар воситасида ишлашда партия вакилидан ижтимоий-сиёсий жараёнлардан хабардорлик, ҳуқуқий савия, маънавий етуқлик талаб

этилади. Сиёсий партия ходимларининг ушбу муҳим жиҳатларни ўзида намоён этиши аҳолининг партияга нисбатан ижобий муносабат, ишонч ва хайрихоҳлигини мустаҳкамлайди. Шу боис сиёсий ўқувларда эътибор қаратилган мавзулар моҳиятини чуқур аниқлаш ва тушуниб етишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Ҳар бир фуқаро, партия аъзоси қалбидан тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш ва қадрига етиш туйғусини кучайтириш, ёшлар онгини турли ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, мустақил ва янгича фикрлайдиган, Ватанимизнинг эртанги қуни учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган баркамол авлодни тарбиялаш ЎзМТДП дастурий вазифаларининг устувор йўналишини ташкил этади. Сиёсий ўқувлардан олаётган билимларимиз ва уларни амалиётда қўллаш ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлашга хизмат қилаётди.



Фаолият: факт ва рақамларда

- ✓ Жиззах вилоятида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг 12 минг 750 аъзоси бор
- ✓ Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида партия сафига 748 нафар янги аъзо қабул қилинди
- ✓ Партия аъзоларининг 43,2 фоизини хотин-қизлар, 64,4 фоизини ёшлар ташкил этади
- ✓ Вилоятда 256 бошланғич партия ташкилоти фаолият юритмоқда
- ✓ Жиззахда ЎзМТДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 1, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 76 депутат сайланган
- ✓ ЎзМТДП халқ депутатлари Янгиобод туман ва Жиззах шаҳар Кенгашида энг кўп депутатлик ўрнини эгаллади
- ✓ Партиядан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар биринчи ярим йилликда 41 депутатлик сўровини амалга оширди
- ✓ 24 мансабдор шахс ҳисоботи тингланди
- ✓ 394 тадбирда 30391 фуқаро иштирок этди

Аҳоли орасига чуқурроқ кириб бориш — давр талаби

Баҳром МАМАЖОНОВ,
халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари:



— Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги партиядан сайланган депутатларнинг фаолияти ишимизга баҳо берадиган асосий мезонлардан бири саналади. Чунки бугунги депутат зиммасига ЎзМТДП дастурий мақсадлари, сайловолди Платформасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар, қонунлар, дастурлар, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар қарорлари ижроси, мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш, фуқаролар мурожаати юзасидан депутатлик сўровлари юбориш каби вазифалар юклатилган. Бу, ўз навбатида, депутатлардан катта масъулият ҳам талаб этади. Сафимизда бундай масъулиятни чуқур ҳис этиб фаолият олиб бораётган депутатлар ҳам ўз мазмун-моҳияти билан хайрихоҳларимиз сафини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Хотин-қизлар миллий урф-одат, аънава ва қадриятларимизни чуқур ўрганиб, маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигини ўз фаолиятида тўла мужассам эта олаётган жамиятда ўсиш, юксалиш бўлади. Аёлларнинг маънавий камолоти, сиёсий-ҳуқуқий билимлари, фаолиятини ошириш, изланиш ва интилишларини қўлаб-қувватлаш жамият тараққиётида муҳим ўрин тутди. Шундай экан, хотин-қизларнинг маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш, улар орасида сиёсий етакчиларни шакллантириш, аёлларнинг мамлакатимизда кенгайтирилган ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокчи ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш "Аёллар қаноти"нинг устувор вазифаси саналади.

ди. Сўров натижасига кўра, ҳокимлик тиббиёт бирлашмасининг марказий қичинди қувурларини алмаштириш ва таъмирлаш учун маблағ ажратди, қурилиш ишлари олиб борилди. Бу эса фуқароларнинг депутатга, бу орқали партиёга ҳам ишончини мустаҳкамлади. Халқ депутатлари Пахтакор туман Кенгаши депутати Озода Отахонова тумандаги "Дўстлик" МФЙда яшовчи Н.Яхшибоевнинг истеъмол кредити олишда ёрдам сўраб қилган мурожаатига асосан, туман Агробанк филиалига депутатлик сўрови киритилиб, унга истеъмол кредити ажратилишига эришилди.

Маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни ҳал этиш, миллий ва маънавий қадриятлар, урф-одатларни тиклаш ва ривожлантиришда маҳалланинг роли ва мавқеини ошириш, кексаларга ҳурмат-иззат кўрсатиш, унда ўзаро ҳамжихатликни таъминлаш партия дастурий вазифаларидан саналади. Бу каби саъй-ҳаракатларни амалга ошириш фаолият давомида хайрия ишлари билан бевосита уйғунлашиб кетади. Айрим депутатларимизнинг бу борада ҳам фаоллик ва ташаббус кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Масалан, халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши депутати Гани Иномовнинг бевосита ташаббуси билан Жиззах шаҳар "Уратепалик" маҳалласининг 2,5 километрдан зиёд ички йўллари таъмирланди, маҳалла идораси биноси жорий таъмирланишига амалий ёрдам берилди. Депутат С. Бойхўровов ташаббуси билан Жиззах шаҳридаги 6 гектардан ортиқ ҳудуд ободонлаштирилди, 8 минг дона мевали ва манзарали кўчатлар экилди. Айниқса, ҳудудда "Кексалар боғи"нинг барпо этилиши Жиззахлик нурунийларга Кексаларни ёъозлаш йилида муносиб тўғфа бўлди.

Бу каби амалий саъй-ҳаракатлар сайловолди дастурий вазифалар ижросига эришиш, электорат манфаатларини таъминлашда ўзига хос ўрин тутди. Зеро, аҳоли ичига чуқурроқ кириб бориш, унинг қизиқилари ва эътиёлларини қондириш давр талабидир.

Жиззахлик ёшлар — партия ғоялари тарғиботида фаол



Орифхўжа МЕЛИЕВ,
ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси:

— Электоратимизнинг асосий қисми навқирон авлод вакиллари: 12 минг 750 нафар партия аъзоларининг 8 минг 211 нафари ёшлардан иборат. ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши тарғиботида "Ёшлар қаноти" вакиллари бугунги кунда ҳар жабҳада фаол. "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби аъзолари ўртасида аънавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида" республика кўрик-танловида Жиззахлик ёшлар бир неча йилдан

бири муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Жорий йилда ҳам танловнинг минтақавий босқичида вилоятнинг "Статус" жамоаси голиб бўлди. ЎзМТДП "Ёшлар қаноти"нинг "Юртим тарихини ўрганаман" шiori остидаги "Тарихдан садо бергучи обод гўшалар" ёшлар акцияси ҳам навқирон авлод вакиллари сафимизга кенг жалб этишда муҳим омили бўлмоқда. Мазкур акция тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачиғининг асраб-авайлаш ва бойитишга кўмаклашиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, тарихий мерос ва халқ аънаваларига чуқур меҳр-ҳурмат, эътиром туйғуларини кучайтириш каби партиявий вазифаларни амалга оширишга қаратилган. Бу тадбир жорий йилда ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоллари, "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби аъзолари

иштирокида Арнасой туманининг "Раҳмон", Зафаробод туманининг "Эшон бобо", Бахмал туманининг "Новқа ота", Галлаорол туманининг "Саъд ибн Абу Ваққос", Зомин туманининг "Кўк тўли ота", Янгиобод туманининг "Ҳўжамушкент ота", Жиззах туманининг "Чўқмозор ота" ва Жиззах шаҳрининг "Ўрда" мажмуаси каби тарихий-маданий масканлари, муқаддас қадимжо ва зиёратгоҳларида кенг қўламада ўтказилди. Акция ўтказилган тарихий обида, муқаддас зиёратгоҳ тарихи, унинг миллий маънавий-иқтисодий юксалишида тутган ўрни чуқур ўрганилди, ҳудудларда тозалаш-ободонлаштириш ишлари олиб борилди, турли мевали ва манзарали кўчатлар экилди. Акция юзлаб вилоят ёшларини ободлик, бунёдкорлик, улғу аж-дошларга эҳтиром кўрсатиш, тарихни янада чуқурроқ ўрганиш мақсади остида бирлаштирди.

Назорат ва таҳлил

Қонунлар ижроси ўрганилди

унинг натижалари муҳокама қилинган йиғилишда ютуқлар эътироф этилди, камчиликлар аниқланди, таклиф-тавсиялар берилди

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб маҳаллаларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш ҳамда мустақамлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Президентимиз раҳнамолигида маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини тақомиллаштириш, унинг вазифалари кўлайимли рақобатчи, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш йўлидаги тизимли ислоҳотлар бугун ўзининг юксак самараларини бермоқда.

“Кексаларни ёззолаш йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш борасидаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Дастурда 2015-2017 йилларда 68 нафар уруш қатнашчиси, 955 нафар меҳнат fronti фахрийси, 224 нафар ёлғиз кекса ва ногирон ҳамда 253 нафар ижтимоий муҳофазага муҳтож кексаларнинг ўйи, жами 1,5 минг хонадонда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш белгиланган. Айни пайтда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамда ҳимийлар маблағлари жалб этилиб, мақзури ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Вилоятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техник базасини яхшилаш, имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2013-2014 йилларда мавжуд 602 фуқаролар йиғинининг 434 таси компьютер жамланмаси, 355 таси янги мебель жиҳозлари билан таъминланган. Фуқаролар йиғинларининг фаолияти маҳаллий бошқарув идораларининг эътиборида бўлиб, вақт-вакти билан халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши сессияларида кўриб чиқилган.

Назорат-таҳлил ишлари давомида депутатлар айрим камчиликлар ҳам мавжудлигини аниқлашди. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жойлардаги маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда тегишли халқ депутатлари Кенгаши ваколатларидан самарали фойдаланмаган. Масалаларни маҳаллий кенгашлар доирасида муҳокама этиш ва ечимини топишда етарли ташаббус кўрсатилмаган.

Бундан ташқари, маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш борасида мундарижа чора-тадбирлар амалга оширилганига қарамай, вилоятнинг айрим ҳудудларида фуқаролар йиғинининг улар учун қафил бўла олиш ваколатидан фойдаланилмаган. Бугунги кунда маҳаллалар қошида гарчи маҳалла марказлари ташкил этилган ва унда тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш истагида бўлганлар учун фуқаролар йиғини вакилларида ташқари солиқ инспекцияси, туман (шаҳар) молия бўлими ва савдо-саноат палатаси масъул ходимларининг қабул қилгани белгиланган бўлса-да, бироқ унга тўлиқ амал қилинмаган.

Йиғилишда сўзга чиққанлар қонун ижроси вилоятнинг ҳамма ҳудудларида ҳам бир хил ташкил этилмаганлиги, тизим раҳбарлари ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида яратилаётган имкониятлардан тўла хабардор эмаслиги, жойларда уларнинг малакасини оширишга етарли эътибор берилмаётганлиги қайд этилди. Фуқаролар йиғинлари соҳага оид қонунлар ижросини таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бошқа қатор идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш зарурлиги юзасидан таклиф-тавсиялар билдирилди.

Йиғилиш сўнгига мониторинг натижалари бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Мухтарама КОМИЛОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Депутат сўров киритди

Эски Ховосни туризм маршрутига киритиш

Эски Ховосни туризм маршрутига киритиш

ҳамда очиқ осмон остидаги музейга айлантириш масаласи халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат томонидан илгари сурилди



халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси, тарих фанлари номзоди, археолог Солижон Қудратов. — Демак, бу тарихий ман-

дан ортқ турли қадимий ашёлар топилди. Эраминдан аввалги III-II асрга оид маъбада Анахита хайкаласи, сомонийлар даврига оид миёна тангалар, XII асрга оид Ҳумо қуши тасвири туширилган чирок дастаси, X-XI асрларга тааллуқли махсус симоб идишчиси, IX аср ҳамда темирлар даврига оид муҳралар, XIII-XIV асрларга тегишли оҳангон-қўзалар, нақшли идиш-товол бўлаклари, қорқоқлар ҳамда баландлиги 2-2,5 метрли бўғдой солишга мўлжалланган ҳумлар ана шулар жумласидандир. Ўдгорликнинг ҳозирга қадар сақланган қолган ҳудуди 7 гектарни ташкил этади. Марказида қалъа жойлашган, унинг 4 минораси бўлган. Қазув ишларида тош давридаёқ аҳоли яшаганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Бироқ Сирдарё тарихини ўрганиш узоқ вақт тарихчиларимиз эътиборидан четда қолиб келди. Бунга маълум маънода Сирдарё қадимдан қимасисиз чўл бўлган ва бу ерлар собиқ “шўролар” давридагина ўзлаштирилган деган нотўғри тушунарлар ҳам сабаб бўлди. Аслида вилоятнинг узоқ ўтмишидан, ўзига хос тарихидан дарак берувчи қатор масканлар, шу жумладан, 19 тепалик мавжуд. Улардан бири Ховос тумани Ховособод қишлоғида жойлашган Эски Ховос тепалиги бўлиб, унинг тарихи милоддан аввалги VI-V асрларга бориб тақалади. Урта асрлар манбаларида келтирилишича, Ховос Буюк Ипак йўлининг Самарқанддан шарққа йўналган чорраҳасида жойлашган. Ховос қўроғидаги қазилма ишлари чоғида олинган археологик манбалар бу манзилгоҳ қамда икки минг йиллик тарихга эга бўлиб, Сирдарё вилоятидаги энг қадимги шаҳар харобаси қолдиги эканини исботлади.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида сирдарёлик депутатларимиз 87 депутатлик сўровини амалга оширди

Эски Ховос тепалигини очиқ осмон остидаги музейга айлантириш борасида қизгин ишлар олиб борилаётир

2014 йилда Эски Ховос ёдгорлигида Ўзбекистон Фанлар академияси Археологик институти ва музейимиз илмий маркази ходимлари билан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишлари олиб борилди, — дейди Сирдарё вилоят Улқашнослик музейи директори Зокир Холдоров. — Мазкур жараёнда 5,5 минг-

янги иш ўринлари яратилиб, ҳудуд аҳолисини бандлиги таъминланади. Вилоятимиз ҳудудида Эски Ховос каби узоқ тарихга эга масканлар анчагина. Уларни туризм маршрутига киритиш вилоят сайёҳлик саноҳини янада оширади. Шу боис, тарихий қадимжоларни ўрганиш, таъмирлаш ва уларга сайёҳларни жалб этиш, вилоятда туризмни ривожлантириш масаласини вилоят кенгаши сессиясига киритишни режалаштирялми. Бу ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган тарихий, маданий объектларни асраб-авайлаш, ёшларда уларга нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотиш, туризмни ривожлантириш каби мақсад-вазифалар ижросида муҳим аҳамият касб этади.

Депутат Солижон Қудратовнинг депутатлик сўрови Эски Ховос ёдгорлигида олиб борилаётган ишларнинг янада жадал туз олишига туртки бўлиши шубҳасиз. Депутатлик сўровига олинган жавоб хатига Эски Ховос ёдгорлигини туризм маршрутига киритиш учун амалга оширилиши лозим бўлган ишлар баён қилинган. Хусусан, туман, шаҳар ҳокимликлари, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар биргаликда ишбу тарихий ёдгорлик ҳақида мунтазам тушунтириш ишлари олиб бориши, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун ушбу ёдгорлик ҳақида кенг маълумот бера оладиган мутахассис ҳамда Эски Ховос ёдгорлиги ҳақида

Зилғоҳи Буюк Ипак йўлидаги муҳим қўналгалардан бири бўлган, дейишга асос бор. Унинг тарихини ўрганиш, қўм бағрида ётган сир-синоатга бой манзилгоҳларни очиш ва шу орқали мазкур тепаликни очиқ осмон остидаги музейга айлантириш, унга сайёҳларни кенг жалб этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Зеро, Ўртбозимиз таъкидлаганидек: “Сирдарё тарихи меҳнатқаш, мард ва фидойи, бағри кенг халқ тарихидир. Шундай экан, бу тарихни чуқур ўрганиш, билиш, уни холисана ёритиш, ёдгорликларини қўз қорачиғидек асраб-авайлаш бизнинг фарзандлик бурчимиздир, келажак авлодлар олдидаги қарзимиздир”. Дарҳақиқат, вилоятимиз тарихининг ажралмас қисми бўлган бу ёдгорлик чуқур тадқиқ этилса, сайёҳлик масканига айлантирилса, энг аввало, шу ҳудуд аҳлида ўз юрти тарихидан фахрлини туйғуси мустаҳкамланади. Қолаверса,

адабиёт ва буклетлар тайёрлаш, ёдгорликни доимий ободонлаштириш ишларига маъсулларни бириктириш ҳамда маънавий хизмат кўрсатувчи хоналарни ташкил этиш лозимлиги қайд этилган. Шунингдек, айни пайтда Эски Ховосга олиб борувчи йўл таъмирланаётганлиги маълум қилинди.

Хозирги кунда Эски Ховос ёдгорлигини ўрганиш бўйича олиб борилаётган ишлар замирида бу масканни яқин йиллар ичида сайёҳлар қадами узилмайдиган, очиқ осмон остидаги музейга айлантириш мақсади муҳимдир. Мазкур жараёнда ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг фаол иштироки таъғини эътиборга молик. Зеро, партия голлари, дастурий мақсад-вазифалари ана шундай амалий сайёҳ-харакатлар асосида ҳаётда ўз ифодасини топади.

Мухтарама КОМИЛОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Депутат минбари

Тарих учун қисқа муддат саналган 24 йил ичида юртимиз қўлга киритган улкан ютуқ ва марралар бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳақиқ равишда таъ олди. Бу мустақилликка эришган илк йилларимиздан оқ Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таъинланган тараққийнинг “ўзбек модели”га нақадар тўғри, оқилона ва ҳаётий эканининг амалий исботидир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон бугун дунё билан бўйлашмоқда. Жамият ҳаётидаги мустақам барқарорлик, демократик ўзгаришлар йўлидаги советдақамлик, мустақил юриштилаётган ички ва ташқи сиёсат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий кафолатлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, энг асосийси, биз ўз танаб олган йўлимиздан оғимай, қатъий билан дадил одимлаётганимиз эришяётган улкан ютуқларимиз гарови бўлаётир. АҚШнинг Колумбия университети социологлари ўтказган тадқиқот натижаларига қўра, Ўзбекистонимиз “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” каторидан жой олгани, яъни 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ўрта-сида биринчи ўринни эгаллагани юртимиз қай даражада юксалаётгани, амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилаётганидан ёркин далолат беради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари ҳар биримизга гурур ва ифтихор бағишлаши бораборида, зиммамизга ислоҳотлар жараёнида муносиб иштирок этиш, юрт тақдирига дахлдор бўлиб яшаш масъулиятини ҳам оқлайди. Зеро, бахтли мамлакатимизнинг бахтли кунлари ва оналирини янада ойдинлаштириш, унинг тараққийига муносиб ҳисса қўйиш, аждоқларимиздан мерос бўлиб қолган шу замонини қўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиз, кундалик амалиямизга айланиши мамлакатимиз қўлга киритаётган ютуқлар пойдеворини янада мустақамлаш шубҳасиз.

Бу ҳақида фикр юритар эканмиз, Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари қўша мажлисида қилган маърузасидаги долзарб фикр-мулоҳазалар, белгиланган вазифалар фаолиятимиз учун дастурилла-

мал бўлганини айтиш жоиз. Маъруза мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, парламент ва сиёсий партиялар фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қўриш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳаётимизга жорий этилаётган ислоҳотлар жараёнида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг ўрни ва роли муҳим аҳамиятга эга. Қўйи палатадаги ҳар бир депутат, хусусан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари Президентимизнинг парламент фаолияти бўйича билдирган танқидий-таҳлилий мулоҳазаларини, зиммамизга оқлатилган аниқ вазифалар моҳиятини чуқур аналган ҳолда фаолият юриштишга ҳаракат қилаёلمиз. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастуриларининг ижросини таъминлаш борасидаги фракцияимиз фаолиятини сифат жиҳатдан янги асосда қуришни асосий вазифа сифатида белгилади.

Қонун ижодкорлиги жараёнида фаол иштирок этиш, қонунларнинг мукамаллигини таъминлаш, ижросини назорат қилиш ҳар бир депутат зиммасига юксак масъулият оқлайди. Шу боис ЎзМТДП фракцияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаларига партияимиз дастурий мақсад-вазифалари нуктаи назардан ёндашиб, партия ижтимоий қатлами ва электорати манфаатларини ҳимоя қилишга интиломоқда.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси

ҳам демократик ислоҳотлар изчиллигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши маҳаллий вакиллик органларининг назорат функциясини кучайтиради. Бу эса халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳларининг электорат манфаатларини муносиб ҳимоя қилишга кенг имконият яратаяди. Шу билан бирга ижро ҳокимияти органларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш вазифаларини самарали амалга оширишга қаратилган масъулиятини оширади.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ҳам фракцияимиз аъзолари қизгин муҳокама қилди. Таъкидлаш жоизки, юртимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат, шу жумладан, унинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган инвестиция сиёсати мамлакатимиз ривожига муҳим ўрин тутаяди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётгани, дунё ва минтақавий инвестиция бозорларида рақобат кучайиб бораётгани мамлакатимизда янада қўлай сарможий муҳит яратишни тақозо этмоқда. “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасида жамоавий инвестицияларни тизим яратиши, аҳолининг вақтинча бўш турган маблағларини сафарбар қилиш ва уларни миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларини молиялаштиришга йўналтиришларини рағбатлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қонун лойиҳаси қабул қилинса, партияимиз сайловолди Платформасида белгиланган кучли миллий иқтисодиётни шакллантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлаш, маҳаллий саннат самарадорлигини янада ошириш, мамлакатимизда яратилган мақбул инвестиция муҳитининг ҳуқуқий асосларини кучайтириш ва юртимиз инвесторларининг

манфаатларини ҳимоя қилишга доир мақсад-вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлади.

Мамлакатимиз ҳаёти, тараққийи учун керакли бўлган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, чуқур муҳокама қилиб, мукамаллигини таъминлаш билан бир қаторда уларни давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларида кенг муҳокама қилиш ҳар бир депутатнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Бунда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, маҳалла, таълим муассасаларида давра суҳбатлари ташкил этиш ва ёшлар билан очиқ мулоқотга киришиш зарур. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламентига мувофиқ, май ойда сайловчилар билан ўтказилган учрашувларда ҳам асосий эътибор айна шу масалага қаратилди. Фракцияимиз аъзолари учрашувлар даврида сайловчилар билан Президентимиз маърузаларининг мазмун-моҳияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти юзасидан фикр-мулоҳазалар аламушиди, юзма-юз мулоқотга киришишди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом қилиб тарбиялаш, хунармандлар, оилавий тадбиркор ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ахборот-ресурс марказларини янги китоблар билан бойитиш, битирувчилар бандлигини таъминлаш масалалари депутатлар ва сайловчилар муҳокамасида бўлди.

Сайловчилар билан учрашувлар таҳлилга эътибор қаратадиган бўлсак, ЎзМТДП фракцияси аъзолари иштирокида ўтган 400 га яқин учрашувларда қонунчилик, суд-ҳуқуқ, фан, таълим, маданият, уй-жой қурилиши, молия, солиқ ва бошқа соҳаларга оид 1 минг 400 га яқин масала кўтарилди. Депу-

татлар жойида ҳал этилиши мумкин бўлган масалаларга тегишли мансабдор шахслар билан биргаликда ечим топишга ҳисса қўшган бўлса, айрим масалалар юзасидан тегишли мутахассислар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, мансабдор шахсларга парламент сўровини юбориш режалаштирилди ва бу жараён босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Сайловчилар билан учрашиш асносида бугунги сайловчи кечагидан тубдан фарқ қилиши, у ким ва нимча учун овоз берганини тўла англаши ва ўзи ишончли сайланган депутатдан амалий ишлар кутишини дилдан ҳис қилдик. Бугун халқимиз онгу тафаккури, сиёсий-ҳуқуқий қарашлари юксалиб бораётгани, айниқса, уларнинг ҳудудлар тақдирига дахлдор масалаларни илгари сураётганида яққол намоён бўлди. Энг муҳими, ҳаётларимиз бугунги тинч, фаровон ва тўқин ҳаётдан мамнун, эртанги кунга ишончи мустаҳкам.

Депутат ўз сайловчилари олдида ҳисобдор саналади. Сайловчи депутатдан сайловолди берган ваъдаларини бажаришда аниқ ишларини, амалий ҳаракатларни кутади. Фуқаролар сиёсий партияга андан сайланган депутат фаолиятига, унинг аҳоли муружаатига қай даражада муносабат билдирганига қараб баҳо беради. Бу масъулият депутатларини серғаклик, фаоллик ва ташаббускорликка, халқ вакили деган ишонч, масъулият ва ваколатини доимо ҳис қилиб яшашга ундаб туриши лозим. Мамлакатни ислоҳ этишда сиёсий партиялар, уларнинг фракциялари роли ва ўрнини ошириш ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омилдир.

Сиддик НОМЗОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси



Наманган вилояти Уччи тумани Жийдакапа қишлоғидаги "Vodiy ipak gilam" қўшма корхонасида миллий хунармандлик технологиялари асосида гилам тўқиш йўлига қўйилган. — Улчами ва бошқа ўзига хос жиҳатларига кўра битта гиламни тўрт нафар гиламдўз олти ойдан бир йилгача бўлган муддатда тўқиб битириши мумкин, —

дейди "Vodiy ipak gilam" қўшма корхонаси директори Элмурод Мамадалиев. Корхона ишчилари Бухоро, Самарқанд ва Қўқон гиламдўзлик анъаналари уйғунлигида тайёрлаётган маҳсулотлар асосан ташқи бозорга мўлжалланган. Эллидан зиёд киши меҳнат қилаётган корхона ишчиларининг асосий қисми касб-хунар коллежини битирган ёшлардир.

Боқий мерос

"Достон" сўзи "қисса", "ҳикоя", "тарих" каби маъноларни англатади. Ўзбек бадий адабиётида достонлар икки турга бўлинади. Биринчи тури ёзма адабиёт вакиллари томонидан ҳар бир банди маснавий — икки мисрадан иборат бўлган шеър шаклида, иккинчи тур достонлар эса оғзаки ижод маҳсули сифатида фольклор анъаналарига асосланган ҳолда яратилади.

Халқ достонлари бадий адабиётнинг йирик жанрларидан биридир. Унинг яратилиши халқимизнинг маънавий қиёфаси, ижтимоий-сиёсий курашлари, ахлоқий-эстетик қарашлари, адолат ва ҳақоният, озодлик ва тенглик, қаҳрамонлик ва ватанпарварлик ҳақидаги идеаллари билан чамбарчас боғлиқ. Хали ёзма адабиёт пайдо бўлмаган даврларда яратилган достонлар эртакларимиз бугун ҳам халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришда бебаҳо мактаб саналади. Айниқса, истиқлолдан сўнг халқ оғзаки ижодида бўлган эътибор янгича маъно-мазмун касб этди. Ватанимизнинг ўтмиши ва буюк келажагидан сўзлайдиган халқ оғзаки ижоди намуналари авлодларнинг фахр-ғурурига айланди. Ҳар бир халқ тарихи, тақдирини йўлидаги таназзулу юксалишлар эпосларда бадий тарзда мукамал ифодалаб берилди. Шу боис улар даврнинг турли чигирналаридан эсон-омон ўтиб, асрлар оша авлоддан-авлодга мерос бўлиб келмоқда. Унда халқ маънавияти, бадий тафаккури, салоҳияти, орзу истаклари мужассам. Шу маънода, биз "Алпомиш", "Гўрўгли" каби кўп қатли муомтоз эпослар, эртак ва халқ кўшиқлари каби бой маънавий меросга эга халқ эканимиздан ҳар қанча фахрланасан арзийди.

Ўзбек халқ достончилигининг таркибий қисми бўлган Хоразм достончилиги мактаби ўзига хусусиятларга эга. Хоразм достончилиги мактаби вакиллари-нинг ихросида, асосан, мусиқа етакчилиги қилади. Мазкур достонларнинг ижро услуби ҳам бошқача. Агар Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида достонлар ички овозда куйланса, Хоразмда ташқи овозда куйланади. Бундан ташқари, Хоразм бахшичилигида бахши гармон, дутор, айрим ҳолларда эса тор жўрлигида

Хоразм достончилик мактаби

ўз йўли ва услубига эга



қуйлайди. Унинг ёнида, албатта, буломончи, гижжакчи ёки доирачи бўлади. Ҳолбуки, республикамизнинг бошқа бир қатор вилоятларида достон, асосан, дўмбира жўрлигида ижро қилинади. Хоразмда эса жамоавий ижрочилик етакчилиги қилади. Улар "Ширвоний" ва "Эроний" номли йўналишга бўлиниб, ўзининг шиддатли ритми, шўхлиги ва ўйноқчилиги билан ажралиб туради. Уларнинг мусиқа қадимги Хоразм куйлари ва макор йўллари билан уйғунлашиб кетган. Шунинг учун ҳам улардаги айрим матнларалоҳида ижро этиладиган халқ кўшиқларига айланган.

Халқ достонлари, хусусан, Хоразм достончилиги намуналарида ҳам доно, зукко, мард ва жасур аёллар образлари кўп учрайди. Бу қадимий заманимизда аёллар ва уларга хос фазилатлар ҳамиша улуғланиб келинганигидан ёрқин далолат беради. Ҳатто жуда кўп халқ достонлари аёллар номи билан аталган ҳам эътиборга моликдир. Масалан, "Ойсулув", "Орзуғул", "Гавхарой" каби ўнлаб халқ достонларида хотин-қизларимизнинг оқиллиги, ибдо-хаёси, мухаббатини, Ватанга садоқати каби инсоний сифатлари тарафдор этилади.

"Гўрўгли" туркумига кирувчи "Хиромондали" (айрим манбаларда "Хиромондали") достони бош қаҳрамони Гулихиромон эпчил, қўрқмас, садоқатли

ва шу билан бирга саз ва сўзга моҳир киз. Унга берилган "дали" нисбати ҳам асов, шўх, шаддо маъноларини англатади. Соҳибжамол бу қиз турмушга чиқиб олдиндан ўзига ким ошқ бўлса, унга иккита шарт қўйишни билдиради. Шартларнинг биринчиси кураш тушиш бўлса, иккинчиси қўшиқ айтишув мусобақаси эди. У шу беллашувларда қайси йигит голиб бўлса, ўшани танлашини айтади. Ниҳоятда эпчил ва кучли бўлган Гулихиромонни курашда ҳеч ким энга олмайди.

Достонлар халқимизнинг узок ўтмишидан хабар берувчи ноёб манбалар ҳамдир. Уларни кенг ўрганиш, тарғиб қилиш миллий ўзлини англашга имкон беради. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида халқ достонларини излаб топиш ва тадқиқ этишга эътибор кучайди. Биргина Хоразм воҳасида "Ошиқнома" туркумида 40 га яқин халқ достонини жамлаган 7 та китоб нашрга тайёрланди (шундан 6 таси чоп қилинган). 2004 йилда "Гўрўгли" туркумидаги достонларнинг 18 таси эълон қилинди.

— Халқ оғзаки ижоди чексиз уммонга ўхшайди, — дейди филология фанлари доктори, профессор Сафарбой Рўзимбоев. — Буни Навоий ҳазратлари жуда яхши таърифлаган:

Ки бу бахр ичраким поён анга йўқ,
Етишмак қаърига имкон анга йўқ,

Етишган эл неча дур олгон эрмиш,
Не олий қадр дурлар қолгон эрмиш.
Хали ёзиб олинмаган халқ дурдоналари анчагина. Биргина Хоразм воҳасида номи маълум, бироқ ҳали топилмаган 8 та халқ достони мавжуд. Булар "Невара боққан", "Омон араб", "Тоймасбек", "Сайтақирқма (Сайтақолифта)", "Вали дўник (Вали иккиозламачи)", "Фақир (бокира) қиз", "Аҳмад-бей", "Қорўғли" достонларидир.

Воҳадаги бахшичилик санъати, ўз навбатида, Хоразм кўшиқчилиги ҳам катта таъсир ўтказган. Шу боис жуда кўп хонандалар кўшиқ санъатига бахшичиликда ўзларини синаб кўриш орқали кириб келганлар. Хоразмда бахшичиликнинг ривожланишида Абдулла бахши Бобоҷонов, Қодир бахши Каримов, Маҳмуд Юсупов каби ўнлаб бахшилар катта ҳисса қўшишди. Айниқса, Бола бахши Абдуллаевнинг воҳада бу санъат тури раванқидоги хизматлари алоҳида эътироф этиш жоиз. Унинг сай-ҳаракатлари билан дастлаб Хива туманида, кейинчалик эса вилоятдаги барча мусиқа ва санъат мактабларида бахшичилик синфлари очилган. Ҳозирда таникли бахшининг ишларини унинг шогирди Ўзбекистон халқ бахшиси Қаландар бахши Норматов, фарзандлари Ўзбекистон халқ бахшилари Норбек ҳамда Етмишбой Абдуллаевлар давом эттирмоқдалар.

— Бахшичилик санъати ривожига "устоз-шогирд" анъанасининг аҳамияти текиёс, — дейди Ўзбекистон халқ бахшиси Етмишбой Абдуллаев. — Менинг ўзим ҳам айти пайтада бир қанча ёшларга устозлик қилаётганимдан жуда мамнунман. Шогирдим Расулбек Абдурашулов 2012 йилда бахши-шоирларнинг республика кўрик-танловига соҳибдор бўлди. Илҳомбек Жуманиёзов, Рустам Оллоқулбеков, Авазхон Абдуллаев, Камолбек Бобоҷонов каби шогирдларимдан умидимиз катта. Хоразм кўшиқчилиги санъати ҳам мақом, ҳам бахшичиликка таянади. Шунинг учун ҳам Хива педагогика касб-хунар коллежининг хонандали йўналиши дарс машғулотларида бахшичилик мавзусини ҳам киритганман. Ёшларимизнинг бу санъат турига қизиқиларини кўриб севинаяман, бахшичиликнинг келажаги порлоқ эканлигига амин бўламан.

Алишер РАҲМОН,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бандлик

Коллеж битирувчисига барча йўл очик

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг замонавий билим ва касб-хунар сирларини пухта эгаллаши, ҳаётда муносиб ўрнини топиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Айниқса, ёшлар, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш — доимий эътиборда.

Коллежини тугатаётган ёшлар уч томонлама шартнома асосида корхона ва ташкилотларда иш бошлаш билан бирга тадбиркорлик фаолиятини ҳам йўлга қўймоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бора-борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони бунда дастуриламал бўлмоқда.

Қашқадарё вилоятида бугун 7 академик лицей, 130 касб-хунар коллежи мавжуд. Ўтган йили уларни 45 мингга яқин ўқувчи тамомлади. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган ёшларга тижорат банклари 11 миллиард 453 миллион сўм кредит ажратди. Жорий йилда эса битирувчилар сони 46,8 мингдан зиёд бўлиб, ёш тадбиркорлар

учун 14 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар ажратилиши кўзда тутилган.

Касб-хунар коллежлари битирувчилари эндиликда коллежини тамомлагандан сўнг бир йил мобайнида яқна тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, олти ой муддатга қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод этилди. Бу имтиёз коллеж битирувчисига бизнеснинг дастлабки ойларида бозорни тўлиқроқ ўрганиш имконини яратди. Акс ҳолда, ёш тадбиркор, йиллар давомида фаолият кўрсатаётган тадбиркор билан рақобатлаша олмайди, дастлабки ойларида қўшимча молиявий муаммоларга дуч келиши мумкин. Агар касб-хунар коллежи битирувчиси тадбиркорлик фаолияти рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб бир йил тўлмасдан фаоли-

ятини тўхтатса, мазкур имтиёз бекор қилиниб солиқлар қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунининг 5-моддасига киритилган ўзгартиришга асосан микрофирма ва кичик корхоналар ходимларининг энг юқори сони касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари ишга қабул қилинса, 20 фоздан 50 фозгача оширилиши белгиланган. Жорий йилнинг 15 май куни давлатимиз раҳбарининг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони эълон қилинди. Бу фармонда ҳам айнан касб-хунар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, 2015 йилнинг 1 июлидан яқна тартибдаги тадбиркорлар

га, фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фози миқдорига сугурта бадала ва яқна тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун ўрнатилган ставканинг 30 фози миқдорига қатъий белгиланган солиқ тўлаш шарт билан бир нафардан уч нафаргача ишчинини ёллаш ҳуқуқи берилди. Яқна тартибдаги тадбиркорлар касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга ёлласа, ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун қатъий белгиланган солиқдан озод этилади. Бу меъёр янги иш ўринларини яратиш, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Бугун юртимизда билимли, зукко ёшларнинг ўз имкониятини намоён этиши учун ҳамма шарт-шароит яратилган. Буларнинг барчаси жисмонан ва маънан етук мутахассисларни тарбиялашдек эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг амалдаги ифодасидир.

Фирдавсий ЖАББОРОВ,
Қашқадарё вилоят давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати раҳбари

Тадбир

Санъатимиз ниҳоллари

ўз иқтидорини намоиш этди

Ўзбекистон давлат консерваториясида "Ниҳол" мукофоти учун ўтказилган танловнинг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири Баҳодир Аҳмедов кириш сўзи билан очиб, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг камолоти, истиқболи учун барча имконият ва шароит яратилгани, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган эзгу сайё-ҳаракатлар ўз самарасини бераётганини таъкидлади.



Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни юксак интеллектуал салоҳиятли, жисмонан ва маънан соғлом шахслар этиб вояга етказиш юзасидан кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, мусиқа санъати воситасида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни ватанпарварлик, фидойилик, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш бугунги ислохотларнинг асосий мақсади саналади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2000 йилда таъсис этилган "Ниҳол" мукофоти мусиқа хонандалиги ва ижрочилиги, хореография соҳасида изланаётган ёшларнинг ижодий фаолиятини янада юқори босқичга кўтариш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, янги ижодий парвозлар сари руҳлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу мукофот эстрада, мусиқа, муомтоз кўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилиги соҳасида ўз маҳорати билан юртдошларимизга манзур бўладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган 17-25 ёшли иқтидорли ёшларни рағбатлантириш мақсадида берилаетир. Бу йўналишдаги амалий сайё-ҳаракатлар одамларнинг юрагига етиб борадиган, эзулинка чорлайдиган, иродасини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган асарлар яратиш, мусиқа санъати ёш иҳлосмандларнинг бадий-эстетик диди ва савиясини ошириш каби эзгу ишларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

"Ниҳол" мукофотида саралаш 2006 йилдан буён уч босқичли тизимда ўтказилмоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида яшаб, ижод қиладиган истеъдод эгаларини рағбатлантириш ва кенг тарғиб этишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2011 йил 3 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофоти танловини ташкиллаштириш ишларини тақомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига кўра ушбу мукофот учун танлов икки йилда бир марта ўтказилмоқда. Бу юртимизда ғоявий-бадий юксак савиядаги янги кўшиқлар ва мусиқий асарлар яратиш, истеъдод соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизимини босқичма-босқич тақомиллаштириш ва "Ниҳол" мукофотининг нуфузини оширишга хизмат қилмоқда. Таққослаш учун, 2012 йилда ўтказилган ижодий танловларда юртимизнинг барча ҳудудидан 12 мингдан ортиқ ёш ижодкор иштирок этган бўлса, бу йил уларнинг сафи 13 мингдан ошди. Ижодий лойиҳанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида 940 ёш қатнашиб, улардан 172 нафари мамлакат босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритди.

Айтиш жоизки, "Ниҳол" мукофоти билан тақдирланган кўплаб ёш хонандалар, ижрочилар, раққосалар юртимиздаги турли мусиқий анжуманлар, байрам тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда. Қувонарлиси, ёшларимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузли кўрик-танловлар, санъат фестивалларида қўлга киритаётган ютуқлари салмоғи ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ўтган 15 йил мобайнида мазкур мукофотни қўлга киритганлар сони 152 нафарга етди. Уларнинг бир нафари Ўзбекистон халқ артисти, 17 нафари Ўзбекистонда, 6 нафари эса Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист унвонини қўлга киритди. Шунингдек, "Шуҳрат" медали билан тақдирланган, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали соҳибдори бўлган санъаткорлар етишиб чиқди.

— Бундай нуфузли лойиҳада илк бор қатнашяман, — дейди сирдарёлик хонанда Камолитдин Тошбоев. — Унда ўзимнинг "Кўзумчоқ" номли кўшигимни ижро этдим. Бу танлов бизнинг ўз маҳорат ва иқтидоримизни намоён этиш учун катта майдон вазиғасини ўтаб келмоқда. Умуман, мамлакатимизда биз каби ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши, орзу-интилишларини рўёбга чиқариш учун барча шароит муҳайё. Бундай гамхўрликлар ва билдирилган ишончга муносиб жавоб қайтариш биз иштирокчиларнинг бурчимиздир.

"Ниҳол" мукофотини тантанали топшириш маросими жорий йилнинг 14 август куни "Истиқлол" санъат саройида ўтказилади. Мукофот соҳиблари ўз йўналишлари бўйича олий ўқув юртига имтиҳонсиз, давлат гранти асосида ўқишга кириш имкониятига, "Ниҳол" рамзи акс эттирилган соврин ва пул мукофоти эга бўлишади.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Болалар спорти



Баркамол авлод манзили

жисмонан соғлом, маънавий етуқ фарзандлар — эл-юрт таянчи

“Хавасим келади сенга, болажон!”. Бугун бундай сўзларни нуруний кексалардан тез-тез эшитиш мумкин. Чин-да, мустақиллик шарофати билан ёшларимизнинг нуқта билим олиши, ҳар жиҳатдан соғлом бўлиб вояга етиши учун барча имконият ва шароит мавжуд. Барпо этилаётган замонавий болалар спорти объектилари ҳаммиса гав-жум: қайси хонага кир-манг, ўзини чиқиштираётган, тоблаётган ўғил-қизларга дуч келишингиз тайин.



Бу бежиз эмас. Чунки Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ёшларимиз ўртасида спортни оммалаштириш, болалар спортини комплекс ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Жамғарма маълумотларига кўра, ҳозирга қадар мамлакатимизда 1,7 мингдан зиёд спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида, аҳамият беринг, 115 болалар спорти объекти барпо қилиниб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Булар, шубҳасиз, болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ёшларимизнинг жаҳон майдонларида улкан ютуқларни қўлга киритиши, халқаро миқёсда Ватанимиз нуфузининг янада ошишига замин яратаётди. Бугун мамлакатимизда 2 миллиондан зиёд бола спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Битта спорт иншоотидан ўртача қўнлик фойдаланиш вақти 9,8 соатни ташкил этапти.

Мустақиллик берган имкониятлар, мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида амалга оширилган янгиланишлар киёс ва тақосларда намён бўлади. Бинобарин, илгари мавжуд аҳоли қандай бўлганини ёши улуглар жуда яхши эслашади. Авваллари қишлоқ тугул шаҳарда ҳам нари борса, бир-икки спорт мажмуаси бўлиб, унда ҳам гоҳ мураббий етишмовчилиги, гоҳ инвентарлар танқислиги кузатилади. Шу боис қанчадан-қанча истеъодлар кашф этилмай қолаверган, айримлари ўз истеъодларини тор доиралардан намойиш этиш билан чекланган. Қалбида спортга иштиёқи бор, ана шундай инсонлар учун аллақачон армонга айланган орзу-умидлар истиқлол шарофати билан энди уларнинг фарзандлари тиссолида рўёбга чиқмоқда. Бугун энг олис қишлоқларда ҳам муҳташам спорт мажмуалари фаолият юритаётди.

— Яқин-яқингача вилояти-мизнинг кўпгина мактабларида спорт билан мунтазам шуғулланиш учун қўлай шароит йўқ эди, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сурхондарё вилоят филиа-

ли директори Фахриддин Абдурауфов. — Ҳозирда вилоятдаги барча таълим муассасаси замон талаблари асосида қайта қурилиб, жиҳозланиб фойдаланишга топширилмоқда. Айниқса, полвонлар юртида ёшларнинг кураш билан шуғулланишлари учун барча шароит мавжуд. Жорий йилда Бойсун туманидаги 20-умумтаълим мактаби негизда миллий курашга ихтисослаштирилган мактаб-интернат иш бошлайди. Мазкур мактаб-интернат иқтидорли ёшларни миллий кураш билан мунтазам шуғулланишга фаол жалб этиш, уларнинг маҳоратини ошириш, шу асосда мамлакат терма жамоалари учун ишончли захирани шакллантиришга хизмат қилади.

— Ўғил-қизларимиз дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилаётган халқаро мусобақаларда яхши натижаларни қўлга киритиб, юзимизни ёруғ қилмоқда, — дейди жамғарманинг Бухоро вилояти филиали директори Ўткир Нажмиддинов. — Мана, ўтган йили Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўлиб ўтган ёшлар Олимпия ўйинларида вилоятимиздан 4 спортчи фахрли ўринларни эгаллаб келди. Хусусан, бокс бўйича Сулаймон Латипов кумуш медал олиб, барчамизни хушнуд этди. Вилоятимизда бундай ёшлар кўп ва буларнинг бари, аввало, болалар спортга берилётган эътибор туфайлидир.

Бугун қайси ота-она билан суҳбатлашсанг, фарзандининг ўзи хоҳлаган спорт тўғралигида қатнаётганини гурур билан сўзлайди. Спорт туфайли фарзандининг ўқиши, юриш-туришда ижобий жиҳатлар яққол кўзга ташланаётганини қувониб гапирди.

— Қизим Самияни тўрт ёшида оёғидаги муаммолар сабаб ортопедга кўрсатдик, шифокор эса уни гимнастика тўғралигида беришимиз лозимлигини айтди, — дейди Дилфуза Норҳўжаева. — Ҳозир қизимнинг қадди расо, оёғи ҳам буткул соғайиб кетди. Бадиий гимнастика унинг сеvimли машғулотига айланди. Шу йили у “Нарру Саган” турнирининг республика босқичида совриндор бўлди.

шунинг навбатдаги йиғилишида қайд этилганидек, бундай хайрли ишлар самарасида сўнгги ўн йилда ривожланишида тугма нуқсон бўлган бола-лар сони 1,3 баробар камайди. 6-15 ёшли болалар орасида ўткир юқумли касалликлар билан оғриш 34,4 фоиз, пневмонияга чалиниш 49,7 фоиз, бронхит билан касалланиш 32,7 фоиз камайди.

— Биз, ёшларга яратиб берилётган имкониятлардан бехабар бўлиб, кўплаб тенгдошларим қатори спортда ўз иқтидорини намойиш қилишга интилиб келмоқдаман, — дейди II ўсмирлар Олимпиадаси ғолиби Бектемир Мелиқўзиев. — Ҳозирги



кунгача қатор нуфузли мусобақаларда ғолиб бўлдим. Эндиги мақсадим 2016 йилда Бразилияда бўладиган Олимпия ўйинларида муваффақият қозониб, байроғимизни бошим узра ба-дан кўтаришдир.

Ҳа, мамлакатимизда Бектемир каби нуфузли мусобақаларда ғолиб чиқаётган иқтидорли ёшлар кўп. Биргина 2014 йилда АКШ, Бразилия, Хитой, Германия, Австрия, Швейцария, Италия, Франция, Испания, Малайзия, Таиланд, Ҳиндистон каби давлатларда ўтказилган халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган ўқувчи-спортчиларимиз 126 олтин, 105 кумуш, 160 бронза, жами 391 медални қўлга киритгани, бу эса 2013 йилдаги кўрсаткичдан 38 та кўп экани ҳам бунинг далилидир.

Яна бир хайрли ташаббус ҳақида. Ҳар йили ўқувчи қизларга Президентимиз совғаси — махсус спорт кийимларини топириши яхши анъанага айланди. Бу улар ўртасида спортнинг оммалаштиришда муҳим омил бўлаётти. Масалан, ўтган йили миллий менталитетимизга уйғунлаштирилган 12 турдаги жами 111 минг 302 комплекта спорт либоси ва 189 минг 943

комплект спорт формаси қизларимизга кенг жамоатчилик иштирокида тантанали равишда топширилди. Бундан нафақат уларнинг ўзи, балки ота-оналари ҳам бирдек мамнун бўлишди.

Болаларнинг соғлом бўлиб улғайишларида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган турли беллашувларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. “Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари, “Кувнок стартлар”, “Олимпия умидлари”, “Камолот велоТУР”, “Камолот шахмат тахтаси”, “Сув париси”, “Кичкинтой — ширинтой”, “Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи”, “Футбол-лимиз келажоғи”, “Ёзги таътил” каби қатор спорт ўйинлари шулар жумласидандир.

— Ютуқлар ўзимизники, бироқ бу масалада ҳали қилинажак ишлар ҳам талай, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Нодиржон Мухторов. — Давлатимиз раҳбари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Жамғарма фаолиятини замон талаблари асосида янада ривожлантириш, бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш, профессионал спортчиларни тайёрлаш ва халқаро мусобақаларда иштирокини кенгайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Жумладан, мусиқа ва санъат мактаблари куриш ишларини изчил давом эттириш учун яхлит янги концепция ишлаб чиқиш лозимлиги, ҳар бир спорт тури учун махсус мажмуа бўлиши кераклигига эътибор қаратилди. Шу мақсадда барча вилоятда халқаро тоифадаги спорт усталари тайёрлайдиган мажмуалар барпо этиш, уларга энг малакали мураббийларни, керак бўлса, хориждан мутахассисларни жалб этиш, спорт ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш лозимлиги каби масалалар юзасидан кўрсатмалар берилди.

Таъкидлаш жоиз, ўтган йиллар давомида мамлакатимизда бу соҳада катта амалий тажриба тўпланди. Натижада, истиқлол фарзандлари жаҳоннинг энг йирик ва нуфузли спорт мусобақалари, хусусан, кўп спортчилар орзу қилган Олимпиада, жаҳон ва қитъа чемпионатларида фаол иштирок этиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини намён этишмоқда.

Дарҳақиқат, деярли ҳар қуни

МММда

Барча бола мароқли дам олмоқда

Жорий йилда мамлакатимизда 1 минг 167 оромгоҳ фаолияти йўлга қўйилди. Улардан 205 таси стационар, 818 таси кундузги, 141 таси “Меҳнат ва дам олиш” оромгоҳидир.

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида ўтказилган “2015 йилда болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумининг бориши тўғрисида” мавзусидаги матбуот анжуманида маълум қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси мутасаддилари, оромгоҳ раҳбарлари, педагоглар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Жорий йилда режадагидан 18 та кўп оромгоҳ фаолият олиб бормоқда. Соғломлаштирилиши режалаштирилган болалар сони ҳам ўтган йилга нисбатан салкам 10 мингга кўпайиб, 287 минг 171 нафарни ташкил этди. Бу билан ихтисослаштирилган оромгоҳлар сони ҳам ортган.

Болалар дам олиш масканларида хавфсизликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир оромгоҳда ички ишлар, ёнғин хавфсизлиги, тиббиёт, энергетика, коммунал соҳа ходимларининг тун-кун навбатчилиги ўрнатилган. Етказиб берилётган озиқ-овқат махсулотларининг сифати қатъий назоратга олинган бўлиб,

зарур алоқа ва транспорт воситалари билан таъминланган.

Мавсум давомида кам таъминланган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва турли соҳаларда меҳнат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлар фарзандларини имтиёзли соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда барча бола имтиёзли соғломлаштирилди. Чунки ота-оналар ўзи меҳнат қилаётган корхона-ташкilot касба уюшма қўмитаси орқали йўлланма нархининг 27,5-30 фоиз миқдоридидаги қийматини тўлайди, холос. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига эса бепул ва имтиёзли йўлланмалар берилди. Бундай имтиёздан бу йил 50 мингдан зиёд бола баҳраманд бўляпти. Шунингдек, икки мингдан ортиқ Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва 50 нафар жисмоний имконияти чекланган бола бепул дам олмоқда.

Болаларни соғломлаштириш қўламини тобора кенгайтириш мақсадида таълим масканлари қошида ҳам кундузги оромгоҳлар фаолият

ти йўлга қўйилган. Махсус дастурлар асосида маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирлари, мусобақалар ўтказилиб, ижодий-интеллектуал тўғрақлар ташкил этилмоқда. Ўқувчилар маънавиятини юксалтириш, уларда она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини янада мустаҳкамлаш, зарарли ғоялар таъсиридан асрашга қаратилган ўқув-тарбиявий, маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишлари комплекс тарзда олиб борилмоқда.

Дам олиш масканларида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб “Мустақиллик — менинг тақдиримда”, “Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлақати”, “Касаба уюшмалари — болаларга” акциялари ўтказилмоқда. Уларда тинч ва осойишта қунарлимизнинг кадр-қиммати, истиқлолнинг саодатли неъматлари, ёш авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган лекция меҳр ва эътиборнинг моҳияти ўқувчи-ёшларга кенг тушунтирилмоқда. Ҳар бир оромгоҳда 10 дан ортиқ тўғрақлар билан бирга чет тилларни ўргатиш бўйича махсус курслар фаолияти ҳам ташкил этилган.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Реклама ўрнида

“Микрокредитбанк” Андижон вилоят филиали — янги бинода



Андижон шаҳрида “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки вилоят филиали янги биносида фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда турли давлат ва жамоат ташкилотлар вакиллари, банк мутасаддилари ҳамда журналистлар иштирок этди.



Мамлакатимизда банк тизимини янада ривожлантириш йўлидаги изчил ва тизимли иш-лохотлар юксак самаралар бермоқда. Иқтисодиётимизда рўй бераётган янгиланишлар, ҳар бир тармоқда қўлга киритилаётган ютуқлар, муҳими, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошиши замирида молия муассасаларининг салмоқли ҳиссаси бор. Гап шундаки, банклар кўрсатаётган замонавий ва сифатли хизматлар, миқозлар учун имтиёзли шартлар асосида ажратилаётган маблағлар кўплаб истиқболли лойиҳаларни тезкор ва самарали рўёбга чиқариш имконини бермоқда. Бу эса тадбиркорликни ривожлантириш, минглаб янги иш ўринларини яратишга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, бугун “Мижоз банк учун эмас, банк миқоз учун” тамойилини ўзи учун бош мезон сифатида белгилаб олган банкларимиз хизмат кўрсатишининг барча йўналишида замон талабларига мос фаолият юритмоқда. Буни “Микрокредитбанк” АТБ фаолияти мисолида ҳам кузатиш мумкин. Молия муассасаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, фермерликни ривожлантириш, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, яқна тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини банк хизматларидан баҳраманд этиш борасида қатор самарали лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Бугунги кунда “Микрокредитбанк” АТБ тармоғида 85 филиал ва 140 минибанк аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Республикаимизнинг барча минтақасида, жумладан, энг чекка ҳудудлардаги аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк хизматларидан фойдаланиш имконияти янада кенгайиб, банк миқозлари сони қарийб 290 мингтани ташкил этмоқда. Таъкидлаш жоизки, банк ўз фаолият қўламини, энг аввало, юртимиз аҳолисини

барча турдаги банк хизматлари билан қўллаб-қувватлашга қаратди. Натижада, “Микрокредитбанк” ўзининг барча турдаги хизматлари билан республикамизнинг энг олис ҳудудларига қарай борди. Бунинг самараси ўлароқ, биргина жорий йил бошидан буён банкнинг барча молиялаш манбалари ҳисобидан Республикаимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 432,2 миллиард сўм кредитлар ажратилди. Бунда асосий эътибор тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилиб, аҳолининг меҳнатга лаёқатли қатламни, шу жумладан, хотин-қизларни, ёшлар, айниқса, коллеж битирувчиларини тадбиркорлик соҳасига жалб қилиш, иш билан таъминлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди.

Банк ёшларни тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш дастурида фаол иштирок этиб, коллеж битирувчиларини кичик бизнесга жалб этиш мақсадида 23,2 миллиард сўм кредитлар ажратди. Шунингдек, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қарийб 45,5 миллиард сўм имтиёзли кредитлар йўналтирилди. Бу борадаги кўрсаткичларни банкнинг Андижон вилоят филиали фаолияти миқёсида таҳлил қилсак, йилнинг ўтган олти ойи мобайнида банк кичик-бизнесни қўллаб-қувватлашга ажратган кредитлари ҳажми 34,3 миллиард сўмни ташкил этди. Шунингдек, вилоят хотин-қизлар тадбиркорлигига 5,3 миллиард сўм, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес фаолиятини ривожлантиришга эса 3 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари йўналтирилди.

Булардан кўриниб турибдики, “Микрокредитбанк” бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, коллеж битирувчиларини кичик биз-несга жалб этиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш борасида катта тажрибага ҳамда молия бозорига ўз ўрнига эга. Кенг қўламли иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, юрт ободлиги ва халқимиз фаровонлиги жараёнида муносиб иштирок этмоқда. Бу эса миқозларнинг “Микрокредитбанк”га бўлган ишончини оширади ва уларнинг яқин кўмақдоши бўлишига хизмат қилади.

Эркин ДОРИПОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири


Дилфуза РЎЗИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Хизматлар лицензияланган

Бизнинг шарҳ

Глобал исиш

иклим ва экологик барқарорликка раҳна солмоқда



Россия, АҚШ, Канада, Чили каби давлатлар аҳолиси ҳавонинг кескин исиб кетиши ҳамда қурғоқчилик оқибатида юзага келган ўрмон ёнғинларига қарши курашаётган бир пайтда Хиндистон ва Покистонда жазирама иссиқ туфайли минглаб одамлар ҳаётдан кўз юмди. Филиппин ва Грузияда эса кучли ёнғинчилик сув тошқинига сабаб бўлди. Мутахасссларнинг фикрича, табиатдаги бундай номутаносибликларнинг юзага келиши глобал иссиқ билан бевосита боғлиқ. Ҳўш, глобал иссиқ нима? Унга қим ва нима сабаб?

АВТОМОБИЛЬ ЧИҚАРАЁТГАН “ЭНЕРГИЯ”

Инсониятнинг табиат қонуниятларига амал қилмаслиги, табиий ресурслардан беаёв фойдаланиши, Ер юзиде ишлаб чиқариш суръатларининг кескин ортиши, транспорт воситаларининг кўпайиши ва бошқа кўпгаб техноген ва антропоген таъсирлар натижасида атмосферага чиқарилаётган карбонат ангидрид, метан ва азотнинг чала оксиди каби иссиқхона газлари кўёш энергиясининг Ер сатҳида жамланиб қолишига, бу эса, ўз навбатида, дунё об-ҳавосининг меъёридаги даражасидан охиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Глобал иссиқ билан “иссиқхона эффекти” атамаси кўпинча ёнма-ён ишлатилади. “Иссиқхона эффекти” атмосфера ва дунё океанларида иссиқхона газлари - карбонат ангидрид, метан, сув буғлари микдорининг охиши туфайли юзага келади. У атмосферада кўёш иссиқлигини ўтказиб, уни яна қонингга қайтиб кетишига йўл қўймайди. Аслида иссиқхона эффекти Ер юзасидаги энергиянинг фазога чиқиб кетишига тўсқинлик қилади ҳамда сайёрамизни соғуқ ҳаво оқимларидан ҳимоялайди. Бирок санатнинг борган сари тараққий этиши атмосферада бу газлар тобора кўпайиб, керагидан ортқ микдорда тўпланишига олиб келди. Бу эса ҳаво ҳароратининг мунтазам охиб боришига сабаб бўлмоқда. Агар 1969 йилда сайёрамиздаги ўртача ҳарорат 13,99 даражани ташкил этган бўлса, 2000 йилда 14,43, ҳозирги кунга келиб эса 15 даражага етди. Швед иқлимшуносларининг аниқлашича, 1978-1995 йилларда Шимоллий муз океанидаги музликлар 610 миң квадрат километрга, яъни 5,7 фоизга қисқарган. Санат инқилоби бошланган сўнгги 300 йил ичида атмосферадаги углерод диоксиди (CO2) микдори этган бўлса, 2000 йилда чек қўйилмас, 2100 йилга бориб дунё океанлари сатҳи яна 80 сантиметргача кўта-

нинг (IPCC) ялпи мажлиси бўлиб ўтди. 200 га яқин мамлакатнинг расмий вакиллари иштирок этган ялпи мажлисда ўтган асрнинг иккинчи ярмидан буён кузатишган глобал иссиқхонага 95 фоиз антропоген омиллар, хусусан, атмосферага иссиқхона газлари микдорининг охиши сабаб бўлаётгани алоҳида қайд этилди.

Бугун атмосферага ташланаётган иссиқхона газларининг 48 фоизи АҚШ ҳамда Хитой ҳиссасига тўғри келмоқда. Кейинги ўринларда Европа Иттифоқининг ривожланган давлатлари (12 фоиз), Хиндистон (7 фоиз) ҳамда Россия (6 фоиз) бормоқда. Ташланмаларнинг 27 фоизи қолган ривожланаётган 170 мамлакатга тегишли. Бироқ мазкур мамлакатларнинг аксарияти Киото баённомасида назарда тутилган мажбуриятлари бажаришдан бош тортмоқда. Аслида баённома талабларига мувофиқ, мазкур мамлакатлар ҳар йили атмосферага чиқариладиган иссиқхона газлари микдорини 1,5-2 фоизга камайтириб боришлари лозим. Буни айрим давлатларнинг иқтисодий ўсиш ортидан қувиб, экологик хавф-хатарларга эътибор қаратмаётгани билан изохлаш мумкин.

БИЗНИ ОЛДИНДА НИМАЛАР КУТМОҚДА?..

Россия фанлар академияси П.П.Ширшова номидаги Океанография институти директори, академик Роберт Нигматулин глобал иссиқхона куйидагича баҳо беради:

“36,7 даражани тана ҳарорати инсон ўзини нормал ҳис этади. Ҳароратнинг атиги 0,5 даражага охиши инсон организмни носоғломлигини англатади. Бугун биз океан сатҳининг йилга атиги 3 миллиметрга кўтарилаётгани билан боғлиқ аризмасдек туялган муаммонинг келажакда қандай оқибатларга олиб келишини ҳали тўлиқ аниглаб етганимиз йўқ”.

Бугун асосан инсон омили туфайли юзага келаятган иқлим ўзгаришлари ҳайвонот ва наботот олами тақдирига ҳам хавф сола бошлагани ҳеч кимга сир эмас. АҚШ Геология хизмати ҳузуридаги Еввойи табиатни ўрганиш марказининг экологлари сўнгги йилда йил давомида Арктикадаги иқлим ўзгаришлари жараёнини кузатиб, оқ айиқларнинг сони кескин камайганини аниқлади. Олимлар Арктикадаги музликларнинг эриши, турли антропоген омиллар туфайли оқ айиқлар 2025 йилга келиб бутунлай қирилиб кетиши мумкинлигини баҳорат қилишмоқда. Мутахассслар фикрича, фақат иссиқхона газлари микдорини камайтириш ҳисобигагина мазкур жониворларни сақлаб қолиш мумкин.

ДОЛЗАРБ МУАММОНИНГ ХАЛҚАРО ЕЧИМИ

1988 йилда БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) ҳамда Халқаро метеорология ташкилоти Иқлим ўзгаришлари бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳини тузишга қарор қилди. Бундан мақсад — иқлим ўзгаришлари бўйича муҳим ахборотларни йиғиш ҳамда тақлифлар тайёрлашдан иборат эди. Дунё бўйича тажрибали олим ва экспертларни жамлаган мазкур гуруҳ иқлим ўзгаришлари масаласи бўйича мавжуд илмий ахборотларни таҳлил қилишга киришди. Уларнинг саяё-ҳаракатлари туфайли муаммога қонуний ҳамда яқдил ечим топиш имконияти пайдо бўлмоқда. Мазкур гуруҳнинг илмий излаишлари 2007 йилда Нобель мукофотига лойиқ топилди.

1992 йилда Нью-Йорк шаҳрида иқлим ўзгариши бўйича БМТнинг Доиравий конвенцияси қабул қилинди. Конвенцияга мувофиқ, санати ривожланган давлатлар атмосферага ташланаётган карбонат ангидрид ҳамда бошқа иссиқхона газлар микдорини 2000 йилда 1990 йилги даражага етказиш мажбуриятини олди. 1997 йилда Конвенцияни ратификация қилган давлатлар Япониянинг Киото шаҳрида йиғилиб, ривожланган давлатларнинг атмосферага чиқараётган умумий иссиқхона газлари микдорини 2008-2012 йилларда 5,2 фоизга камайтиришга қаратилган Киото баённомасини маъқуллади. Бугунги кунда мазкур баённомага 192 давлат қўшилган.

2013 йил сентябрь ойи охирида Стокгольм шаҳрида БМТнинг Иқлим ўзгаришлари бўйича ҳукуматлараро комиссияси-



кўплаб экологик муаммоларга сабаб бўлиши кутилмоқда. Ёгинларнинг камайиши ва буғланишнинг ортиши қишлоқ ҳўжалик ерлари, ўрмон, ботқоқлик ва бошқа экотизимларга ўнглаб бўлмас даражада улкан зарар етказди. Қолаверса, иқлим ўзгариши сайёрамиз аҳолиси ўртасида юрак қон-томир, юқумли ва аллергия касалликлар авж олишига олиб келиши мумкин.

БУ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ХАМ ДОЛЗАРБ

Ўзбекистон иқлим ўзгариши муаммоларининг муҳимлиги, унга мослашиш ва салбий оқибатларини юмшатиш бўйича тезкор чора-тадбирлар қабул қилиш зарурлигини ҳисобга олиб, бир қатор стратегик дастурларни ишлаб чиққан. Ўзбекистон 1993 йил Иқлим ўзгариши бўйича БМТ Доиравий Конвенциясини, 1998 йил ноябрь ойида Киото баённомасини имзолади, 1999 йил 20 августда эса ратификация қилди. Шундан буён мамлакатимиз мазкур ҳужжатларда белгилаб берилган мажбуриятларини оғишмай бажариб келаётди. 2006 йил 6 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Киото протоқолининг мусавфо ривожланиш механизми доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2007 йил 10 январда Вазирлар Маҳкамасининг “Киото протоқоли Тоза тараққийёт механизми доирасида инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Барқарор тараққийётни таъминлаган ҳолда муҳим ташқи иқтисодий, экологик ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қодир бўлган Тоза тараққийёт механизми бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилган Идора-лараро кенгаш ташкил қилинди. Бундан ташқари, юртимизда иссиқхона газлари эмиссиясини қисқартириш бўйича Миллий стратегия, Глобал экологик фонд (GEF) ва БМТ Ривожланиш дастури ёрдамида “Ўзбекистон — иқлим ўзгариши бўйича мамлакатни ўрганиш”, иқлим ўзгаришларининг ноҳуш оқибатлари натижасида иқлимий, иқтисодий ва экологик соҳада юзага келувчи йўқотишларни максимал пасайтиришга йўналтирилган “Ўзбекистонда иқлим таваккалчиликларини бошқариш” лойиҳалари муваффақиятли амалга ошириб келинаётди.

Глобал иссиқ билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун, биринчи навбатда, иссиқхона газлари эмиссиясини назорат қилиш мажбуриятини олган мамлакатлар эмиссия меъёрларини камайтиришни бошлашлари керак. Санатлашган мамлакатлар, компаниялар қазилма, ёқилғи ва бойитилган материалларни самаралироқ ишлатиладиган янги технологияларга, шунингдек, шамол, сув, қўёш каби қайта тикланадиган энергия манбаларига ўтишлари зарур. Атмосферада иссиқхона газлари микдорини камайтиришнинг яна бир муҳим йўли — бу транспорт, турар-жой қурилиши ҳамда чиқиндиларни қайта ишлаш. Бироқ сайёрамиз экологик мусавфолигини таъминлаш, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш, биохилма-хилликни сақлашга қаратилган ҳужжатларга қўшилган давлатларнинг барчаси ҳам зиммаларидаги мажбуриятларни сидқидилдан бажармаяпти. Башарти, инсоният бугун иқлим ўзгаришининг олдини олиш борасида изчил саяё-ҳаракатларни амалга оширмас экан, сайёрамиз келажакда экологик таҳдидлар қонмига тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Бу эса дунё ҳамжамиятидан амалий чора-тадбирларни ҳозирданок янада қучайтиришни талаб этади.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Бир ҳафта ичида иккита тўфон

Хитойнинг Чжэцзян вилояти денгиз соҳилларида юз берган “Чан-хом” тўфони сабабли юз минглаб киши хавфсиз жойга кўчирилди.



Табиий офат туфайли юзга яқин уй вайронага айланди. 200 мингдан зиёд уй-жой электр қувватисиз қолди. Аэропортдаги юзлаб авиарейслар, шунингдек, фуқаролар ташувчи кемалар, баъзи темир йўл ҳамда узок масофага қатнайидиган автобуслар қатнови тўхтатиб қўйилди.

Бу сўнгги ҳафта ичида “Чан-хом” тўфонининг иккинчи марта кузатилишидир. Табиий офат мамлакат иқтисодиётига 1,3 миллиард юан зарар етказди.

Кутилмаган ўпирилиш

Россиянинг Пермь шаҳридаги кўп қаватли уйлardan бирининг бир қисми ўпирилиб тушди.

Оқибатда икки киши ҳаётдан кўз юмди, жароҳат олганларнинг икки нафарига воқеа жойида ёрдам кўрсатилган бўлса, яна икки нафари тезда шифохонага етказилди. Одамларни қутқариш, вайроналарни бартараф этиш учун 38 техника, 168 киши жалб қилинди. Гувоҳларнинг айтишича, уйнинг ўпирилиб тушишига газ қувурларининг портлаши сабаб бўлган. Бироқ Фавқулодда вазирлиги бу фикрни инкор этмоқда. Айна пайтга келиб вайроналарнинг барчаси йиғиб олинди.

“Apple” энг кўп фойда кўрди

Жорий йилнинг биринчи чораида “Apple” компаниясининг смартфон ишлаб чиқарувчи барча компания умумий фойдасидаги улushi 92 фоизга етди.



Компания жаҳон смартфон бозориде яққол пешқадамга айланди. Ўтган йили компаниянинг бу борадаги улushi 65 фоизни ташкил этган эди. Иккинчи ўринда эса “Samsung” компанияси бормоқда. Инвесткомпанияларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, смартфон ишлаб чиқарувчи бошқа компаниялар фойда кўрмагани, баъзилари зарар билан чиққани ҳисобига “Apple” билан “Samsung”нинг биргаликдаги фойдаси 100 фоиздан ошмоқда.

Рангин дунё

Монреаль — Канаданин иккинчи йирик шаҳри. У Квебек вилоятидаги шу ном билан юртиладиған оролда, Муқаддас Лаврентия ҳамда Оттава дарёлари оралиғида жойлашган. Бу ерда европаликлар кўчиб келгунига қадар ҳинду қабилалари яшаган. Шаҳар номи эса шу ердаги 232 метрли Мон-Руайяль тоғи номидан келиб чиққан. Монреаль шаҳрига расман 1642 йилда асос солинган.


Бугун Монреаль дунёдаги юксак тараққий этган шаҳарлардан биридир. Шаҳарда транспорт инфратузилмаси юқори даражада йўлга қўйилган. Халқаро аэропорт шаҳар марказидан 20 чақирим узоқликда жойлашган бўлиб, у кунига қарийб 600 самолётни қабул қилади. Шаҳарнинг замонавий транспорт магистраллари уни Канада ҳамда АҚШнинг йирик шаҳарлари, хусусан, Торонто ҳамда Нью-Йорк билан боғлайди. Шаҳардаги Муқаддас Лаврентия дарёсида кемалар қатнови ҳам йўлга қўйилган. Монреаль метрополитени тўлиқ ер остида ҳаракатланади, унда ер устки бекетлар йўқ. Шаҳарнинг деярли барча диққатга сазовор жойларига метрода етиб бориш мумкин. Метрополитеннинг шаҳар

марказида жойлашган барча бекети ер ости йўлқалар орқали бир-бирига туташган бўлиб, “ер ости шаҳри”ни ҳосил қилган. Бу ерда дўкон, кафе, ҳатто, театр ҳам бор. Сент-Катрин кўчаси бозор-ўчар қилишни ёқтирадиган сайёҳлар билан доимо гавжум. Бу ерда дунёга машҳур фирмаларнинг маҳсулотлари сотиладиган дўконлар талай.

Монреальни “иккинчи Париж” деб ҳам аташади. Сабаби, Монреаль Париждан кейин француз тили энг кўп аҳолига эга йирик шаҳар: аҳолининг учдан икки қисми француз тилида, қолгани инглиз тилида мулоқот қилади. Шу боис шаҳарда расмий тил — француз тили.

Замонавий Монреаль архитектура иншоотларига ниҳоятда бой.

Тарих ва замонавийлик мужассам шаҳар



Шаҳарда Европа ҳамда Шимоллий Америка услубида қурилган осмонўпар бинолар қад кўтарган. 1976 йилда Монреаль шаҳри ёзги Олимпия ўйинларига мезбонлик қилган. Шу муносабат билан шаҳарнинг шимол-шарқий қисмида бунёд этилган стадион дунёдаги энг йирик спорт иншоотларидан саналади. Меймор Мейшей Сафди томонидан яратилган — “Habitat 67” лойиҳаси асосида қурилган бино шаҳарнинг диққатга сазовор жойларидан бири сифатида тан олинган.

Монреалда қадимий порт жойлашган. Унинг яқинидаги курант эса ҳар қандай киши диққатини ўзига тортади. Нотр-Дам де Монреаль ибодатхонаси эса эски шаҳарнинг ҳоқ марказидаги Де-Армс майдонида жойлашган. Бу ерда шаҳар асосчиси — Поль Мезонёв хотираси учун ёдгорлик ҳам ўрнатилган. Шаҳарда Нотр-Дам де Бон-Секюр, Муқаддас Иосиф каби ибодатхоналар бор.

Монреаль — Канаданин маданий марказларидан. Бу ерда мамлакатнинг тарихи, мадания-

ти ва санъати билан таништириш музейлар ниҳоятда кўп. Дейлик, 1992 йилда очилган Пуэнт-а-Кальер музейи бўлиб, бу ерда Монреаль шаҳри тарихи ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлиш мумкин. Музейда шаҳар ҳамда унинг атрофидан топилган турли ноёб экспонатлар сақланади. Унинг яқинида XVIII асрнинг бошларида Монреаль учун губернатори Клода де Рамзей учун қурилган Рамзей қалъаси жой-

лашган. Ҳозирги кунда бу ерда тарихий музей фаолият юритади. Шаҳардаги Биосфера экология музейи ҳам замонавий мейморчиликнинг дурдоналаридан саналади.

Монреаль шаҳрида бог ва хиёбонлар ниҳоятда кўп. Улар орасидан энг машҳур Мон-Руайяль тоғи бағрида жойлашган, шу ном билан юртиладиған иккинчи чора-тадбирларни ҳозирданок янада қучайтиришни талаб этади.


хиёбоннинг қурилишида бошқоқ бўлган таниқли америкалик архитектор Фредерик Лоу Олмстед лойиҳаси асосида яратилган. Хиёбон йилнинг тўрт фаслида ҳам гавжум. Ёз мавсумида хиёбондаги кўл бўйида ҳордиқ чиқариш, велосипедда е пиёда сайр қилиш завқли.

Шаҳарда турли мусобақа ва тадбирлар ўтказиш яхши анъанага айланган. Мисол учун, ҳар йили шаҳарнинг Крисент-стрит трассасида Формула 1 бўйича Монреаль Гран-приси ўтказилади. Шунингдек, Саньат майдонида Халқаро жаз фестивали ташкил этиб келинмоқда. Унда иштирок этиш учун дунёнинг турли минтақаларидан юз минглаб санъат шинавандалари ташриф буюради. Сен-Дени кўчасида ўтказиладиган Кулги фестивали эса одамларга олам-олам қувонч ва шодлик бағишлайди. Қолаверса, шаҳар ҳар йили нуфузли теннис турнирлари, 1977 йилдан буён эса Халқаро Монреаль кино фестивалига мезбонлик қилиб келмоқда.

Матбуот анжумани

Регистонда янграр яна Шарқ наволари

Бу йил Самарқанд юраги — Регистон майдони ўзини бор жаҳон мусиқа саҳнига айланади. Фестиваль қатнашчиларининг сафи йил сайин кенгайиб бораётгани ҳамда санъат байрами тантаналари сунъий йўлдош орқали тўғридан-тўғри хоржий давлатларга узатилиб, кенг ёритилаётгани ушбу мусиқа анжуманининг нуфузи тобора ортиб бораётганидан дарак беради.



Регистон мажмуасидаги Мирзо Улуғбек мадрасасида мазкур халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик жараёнида бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Фестиваль матбуот хизмати раҳбари С.Остонов, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали дирекцияси ижроочи директори Т.Маҳмудов, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси масъул котиби А.Икромов, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси раиси И.Латипов ва бошқалар фестивалга қўрилатган тайёргарлик ишлари хусусида маълумот бердилар.

Айтиш жоизки, "Шарқ тароналари"да қатнашиш истагини билдираётган мусиқа ва санъат вакиллари тобора кўпайиб бор-

вожланишининг босқичларини ва унинг жаҳон мусиқа маданияти ривожига ўрнини ўрганиш мақсадида ташкил этиладиган ушбу анжуманда 15 давлатдан йигирмадан ортиқ санъатшунос олим қатнашиши кўзда тутилган. Шунингдек, юртимиздан ҳам кўплаб таниқли санъатшунос олимлар, ёш илмий тадқиқотчилар иштирок этади.

Нуфузли мусиқий тадбирнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларини мамлакатимиз санъаткорлари саҳналарга бой ва асосан ёш истеъодлар ижросидаги намоёнишлар хоржий меҳмонлар ҳайратини уйғотиб, ўзбек мусиқа санъати ҳақидаги тасавурларини бойитиши шубҳасиз. Таалаба ёшлардан иборат ёш истеъод соҳиблари иштирок этаётган оммавий саҳна намоёнишлари ҳам томошабин ва мутахассисларнинг ҳайратига сабаб бўлиши таъкидланди.

Фестиваль энг улғу, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида ўтказилди. Ушбу тантаналарни муносиб кутиб олиш ва ўтказиш учун вилоятнинг барча маҳалла ҳамда гузарларида қизгин ҳозирлик қўрилмоқда. Самарқанд шаҳрида ободончилик таъминлаш мақсадида "Энг обод кўча", "Энг ораста хонадон" кўрик-танловлари ўтказилмоқда. Шунингдек, юртимиз мусиқа маданияти, "Шарқ тароналари" фестивали тарихига оид янги экспозициялар яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Регистон майдонида

миллий чолғу асбоблари ва санъат аҳлига оид тарихий либослар кўргазмалари ўтказилиши режалаштирилган.

Матбуот анжуманида фестивалга тайёргарлик доирасида Самарқанд шаҳрида меҳмонларни кутиб олиш ва уларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, юқори сифатли замонавий хизматлар кўрсатиш учун қўрилатган тайёргарлик, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Бир сўз билан айтганда, бу галги санъат байрамининг аввалгиларидан ҳам юксак даражада ўтказилиши учун барча имконият ва шароит мавжуд. Шу ўринда "Шарқ тароналари" мусиқа фестивалининг ЮНЕСКО шафёлигида ўтказиб келинаётганини таъкидлаш ўринли. Фестиваль муносабати билан дунёнинг кўплаб мамлакатларидан ташриф буюрган меҳмонлар юртимиз, қолаверса, кўҳна ва навқирон Самарқанд ҳаёти билан ҳам яқиндан танишиш имконига эга бўлишади. Нуфузли тадбир ҳақида америкалик санъатшунос Лорей Грей айтган сўзлар ёдимизга тушади: "Самарқанднинг гўзаллиги, айнакча, тарихий обидалар ва улар тегралида мустақиллик даврида амалга оширилган уйғун тарздаги ободончиликлар мени ўзига мафтун этди. Шаҳарнинг нафосати, одамларнинг самимиётини айтмайсизми?! Йўқ, Самарқанд билан сира хайрлашгим келмапти..."


Бир сўз билан айтганда, "Шарқ тароналари" бебаҳо кўшиқлар янграйдиган, дунёнинг таниқли санъаткорларини чорлайдиган нуфузли шодиёнадир. Мусиқа фестивалидаги хонишлар қайси тилда янграшадиган қатъи назар, уларда она Ватан, тинчлик, меҳр-муҳаббат, инсонийлик тарануми этилади.

Ориф ХОЛИКУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Айни жазирама ёз чилласида етилган она замин нознеъматлари бозорларимиз кўрқига айланган. Таъбир жоиз бўлса, қовуннинг бир тилими тилни ёради.

Ковунни табиблар қувватсизлик, камқонлик, атеросклероз ва юрак-қон томир касалликларида истеъмоли қилишни тавсия этишади. Ковун таркибида кўп миқдорда ферментлар ҳам бор. Шу сабабли меъда-ичак тизимида енгил ҳазм бўлади ва ичаклар фаолиятини яхшилайди. Шифобахш доривор восита сифатида қовунни жигар касалликларида, буйрак, қовуқ ҳамда ўт қопида тош пайдо бўлганида истеъмоли қилиш мумкин. Ковун кўп тановул қилинса, тери ранги тиниклашади. У камқонликда қон таркибидаги гемоглобинни кўтарди, иммунитетни оширади. Асаб тизимига қовуннинг ижобий таъсири беқиёс. Ковун чанқоқчи ҳам қондириш хусусиятига эга. Халқ табибатида қовун уруғи миждоз суслигида қўлланилади. Бунда бир кунда уч маҳал бир чой қошқдан қовун холига келтирилган қовун уруғи оч қоринга истеъмоли қилинади. Айниқса, асалга қўшиб тановул қилинса, шифобахш хусусияти янада ортади. Аммо бу доривор воситани бир кунда 2 граммдан ортиқ истеъмоли қилиш тавсия этилмайди. Рухий зўриқиш (стресс)да эса бу полдиз маҳсулоти ижобий таъсир этади. Ковун мағзида кремний моддаси кўп. Бу микроэлемент организмнинг қаттиқ тўқималари, асаблар, тери ва соч ҳолатини яхшилайди. Қовундан коктейль ва витаминли ичимликлар, шунингдек, қовун қоқи, мураббо, жем, павидло, мармелад ҳам тайёрлаш мумкин.

Ковунни сут маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар билан истеъмоли қилиб бўлмайди. Сабаби меъда-ичак тизими фаолиятини бузади. Эмизикли аёллар, қандли диабет билан оғирган беморлар, меъда-ичак тизимининг юқумли касалликларида, гастрит, меъда ва ўн икки бармоқ ичак ярасида қовун тановул қилиш тавсия этилмайди.



БИЛАСИСИМИ?

- Испан тили қоидадига кўра, сўроқ белгисини сўроқ гапнинг бошида ҳам, охирида ҳам қўйиш мумкин.
- Шақилдоқ деб номланган илоннинг чақишидан қалин пойфал қилим ҳам ҳимоя қилолмас экан. Унинг захри нафақат инсон, балки от, буғу ва буқалар учун ҳам ниҳоятда хавфли. Бироқ чўчка ундан сира кўрқмайди: паққос туширади. Америкалик фермерлар ўт ўришдан олдин майдонга чўчкаларни киритиб юборишларининг сабаби — ана шунда!

ТУРФА ОЛАМ

"Ақлли" сув идиши

Бир кунда қанча суюқлик ичиш мумкинлиги ҳақида бириридан фарқланувчи тавсиялар мавжуд. "Apple" компанияси ишлаб чиқараётган "HydrateMe" деб номланган "ақлли" сув идиши бу борада адашмасликка ёрдам беради.

У смартфон ёрасида эгасига ҳатто банд бўлган ёки ташналикни ҳис этмаётганда ҳам сувни қачон ичиш лозимлигини эслатиб туради. Бундай вазиятда сув идиши ўзидан нур таратади. "Ақлли" идиш кун давомида тўйиниш даражасини аниқлаш имконини берувчи махсус ҳисоблагич билан жиҳозланган. Мабодо фойдаланувчи узоқ вақт давомида сув ичмаган бўлса, гаджет бу ҳақда ҳам эслатади. Бу идиш 710 миллилитр ҳажмга эга бўлиб, зарарли хусусияти бўлмаган пластикдан тайёрланган. Уни идиш-товоқ ювиш машинасида бемалол чайиш ҳам мумкин. Идиш қулай очигина эга. "HydrateMe" смартфон ёрасида ишлайди. Шу боис фойдаланувчи телефондаги махсус ёрдам воситасида бир кунда қанча суюқлик ичмоқчилигини ўз олдига мақсад қилиб қўйиши, ушбу режанинг бажарилишини назорат қилиши, рақамларни кузатиб бориши мумкин. "Ақлли" идиш жорий йилнинг декабрида сотувга чиқади. У 45 долларга баҳоланмоқда.



С витамини умрни узайтиради

Даниянинг Копенгаген университети олимлари С витаминли маҳсулотларни кўпроқ истеъмоли қилиш юрак-қон томир тизими фаолиятига ижобий таъсир этиб, умрни узайтиришини аниқлади.

Бундай хулосага келиш учун олимлар бир неча йил давомида 100 мингдан зиёд инсонларнинг ҳаёт ва овқатланиш тарзини ўрганиб чиқишди. Тадқиқот натижаларига кўра, тажрибада қатнашганлар орасида мева-сабзавотларни кўпроқ истеъмоли қилганлар бошқа иштирокчиларга нисбатан юрак-қон томир тизими хасталикларига 15 фоиз кам чалинган, вафот этиш кўрсаткичи ҳам анча паст бўлгани аниқланди.

Олимларнинг фикрича, С витамини боғловчи тўқималарнинг ўсишига кўмаклашади. Бу эса юрак ва бошқа органларнинг барқарор ишлашини таъминлайди. Бундан ташқари, у юрак қон-томир ҳужайраларидаги ДНК ва оксилларни тўғри фаолият юритишини таъминлайдиган кучли антиоксидант вазифасини бажаради. Шу боис, ҳар кун С витаминига бой маҳсулотларни истеъмоли қилиш соғлиқ учун фойдалидир.

Ш.ФАҒФОРОВ тайёрлади



Анжуман

Янги гоғлар рўёби

Миллий матбуот марказида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Фан ва таълим интеграцияси" мавзусидаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўринбосари Б.Усмонов ва бошқалар мамлакатимизда мустақиллик йилларида илм-фан, етакчи илмий мактабларни ривожлантириш юзасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 8 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тузилмасини келгусида муқобиллаштириш чоралари ва республикадаги академик илмни олий таълим билан интеграциясини мустаҳкамлаш тўғрисида"ги қарори бунда дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу қарорга мувофиқ Ўзбекистон Миллий университети қошида Математика институти ҳамда Фалсафий тадқиқотлар ўқув илмий комплекси, Полимерлар кимёси ва физикаси илмий тадқиқот маркази, Тошкент давлат техника университети қошида Тармоқларро машиносозлик муаммолари илмий-тадқиқот маркази, Тошкент давлат шарқшунослик институти қошида Шарқ қўлёзмалар маркази ташкил этилди. Самарқанд, Бухоро, Андижон, Қарши давлат университетлари базасида илмий марказлар фаолият бошлади. Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошида эса Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди.

Ҳозирги кунда мазкур марказларда давлат илмий техник дастурлар доирасида умумий қиймати 5,02 миллиард сўмлик 46 лойиҳа бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Унда университет магистратура талабалари ва катта илмий ходим изланувчилар фаол иштирок этиб келишмоқда. Марказнинг илмий ходимлари олий таълим муассасалари ўқув жараёнида талабаларга маърузалар ўқиш билан бирга, битирув жараёнида илмий раҳбар ва маслаҳатчи сифатида фаолият олиб бормоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2008 йилдан буён аъёнаним ўтказиб келинаётган Инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасига 4 мингдан ортиқ ишланма тақдим этилиб, жами 3,2 мингдан зиёд шартнома имзоланди. Уларнинг салмоқли қисmini олий таълим тизими тадқиқотчиларининг лойиҳалари ташкил этади.

Анжуманда илмий-тадқиқот марказлари ва институтларнинг истиқболдаги режалари хусусида ҳам маълумот берилди. Журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Дилфуза РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Миллий хунармандчилик

Чуст пичоқлари

моҳир усталар қўлида янада сайқал топмоқда

Юртимизда қадимдан халқ бадиий хунармандчилигининг ўзига хос йирик марказлари шаклланиб келган. Ҳатто ҳар ҳудуд ўз бадиий безак санъати билан ажралиб турган. Хусусан, Риштон лоғувард сопол идишлари, Марғилон камалак нуҳса атласи, Бухоро зардўзи, Хоразм ўймакорлик санъати билан донг таратган. Наманганнинг Чуст тумани ҳақида сўз кетса, энг аввало, юксак маҳорат ва юқори дид билан ишланган нақшинкор пичоқлар кўз олдингизга келади.



Бу — бежиз эмас. Негаки, Чуста қадимдан пичоқчилик санъати юксак даражада ривож топган. Бу ҳудуд пичоқчи усталари ўз маҳсулоти билан бутун дунёга маълум ва машҳур. Чустлик усталар ясаган пичоқлар ўз қўриниши, бежиримлиги ва ўткирлиги билан ажралиб тургани боис ҳақиқат харидориги.

Пичоқчилик Чуст шаҳрининг ўзига хос рамзига айланган. Мазкур қадимий устачилик тури авлоддан-авлодга ўтиб, сайқал топиб келмоқда. Раҳимжон Убайдуллаев ана шундай пичоқчи усталарнинг еттинчи авлоди саналади. Унинг устахонасида металлга қўлда ишлов бериш ва қўйиш усуллари сақланиб келинмоқда. Бу ерда, одатда, қора-банафша рангли оддий пичоқ, бетакор декоратив ва сувенир пичоқлари, қилич ва ханжарлар юксак маҳорат билан ясалади. Уста Раҳимжон миллий қадриятларга таянган ҳолда 7 йил илашда маҳсулотлар ишлаб чиқаришини йўлга қўйган. Хусусан, пичоқ, қилич, ханжарларни бир неча хилда, дубулга ва қалқонларнинг эса 27 хилни ясамоқда. "Баҳор лоласи" ва "пахта гули" қадимий нақшлари билан безатилган

пичоқлари ўзининг бетакор қўринишига эга бўлиб, фойдаланишда жуда қулай. Бу пичоқларда Чуст мактабига хос хусусиятлар — чор қиррага мойил ёрма дасталар, гулбандидаги "қуш тили" деб номланувчи бежирим, ўсимликсимон чизма нақшлар, даста ва тигларнинг бир-бирига мутаносиблиги ва ўзига хос нафосати устанинг дастхатини яққол кўрсатиб туради.

—Пичоқчилик санъатини бундан икки аср муқаддам уста Шамсиддин исмли бобомиз бошлаб берган, — дейди Раҳимжон ака. — Бу хунар шундан буён авлоддан-авлодга ўтиб, мерос бўлиб келаяпти. Ота касбини давом эттириш биз фарзандлар учун ҳам бурч, ҳам шараф. Пичоқчилик хунарини эгаллаб, кам бўлмадик. Бугун Президентимиз раҳнамлигида хунармандларга кўрсатилаётган гамхўрлик ва эътиборни ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди. Бизга берилган имтиёзлар натижасида фаолиятимиз қўламини янада кенгайтиди. Ўтказилаётган турли кўргазма ва кўрик-танловларда маҳоратимиз янада ошмоқда. Буни маҳсулотларимиз сифатида акс эттиришга ҳаракат қилияпмиз.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, миллий хунармандчилик танлов ва кўргазмалари кўпайди. Миллий меросимизнинг кадр-қиммати ва аҳамиятини ошириш, уни аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишга эътибор кучайди. Раҳимжон Убайдуллаев нақшинкор пичоқ, қайчи, сувенир ханжар, қилич каби буюмлари билан Ўзбекистон Республикаси Президентини унинг ўтказилган "Ташаббус-2013" танлови

Аҳмад ЮСҲУПОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

